Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши. 1 АВГУСТ 1973 й. ЧОРШАНБА № 178 (2162). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

РСДРП II съездининг 70 йиллигига бағишланди

Кеча

Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида РСДРП II съездининг 70 йиллигига бағишлаб амалий конференция ўтказилди.

Конференцияни область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский қисқача кириш сўзи билан очди.

Пойтахт область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов «РСДРП II съездининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти» тўғрисида доклад қилди.

Тарих фанлари доктори, профессор Х. Т. Турсунов «РСДРП II съезди ва Ўзбекистонда большевиклар ташкилотининг вужудга келиши» деган темада доклад қилди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш, Ленин район партия комитетининг секретари Н. И. Федоринов, Ҳамза район партия комитетининг секретари Т. Э. Эргашев, Оққўрғон район партия комитетининг секретари С. М. Тоиров, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари Ф. Г. Ёқубов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пойтахтнинг бир куни

● Пайтахт партия ташкилотларида

Адабиётчиларнинг муқаддас бурчи

Халқаро муносабатлар тобора яхшиланиб бораётган, тинчлик ва дўстлик ғоялари миллионлаб кишилар онгини забт этаётган шу кунларда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳар томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этяпти. Республикамиз ёзувчиларининг чет эллик ҳамкасблари билан учрашувлари, ўзаро фикр олишувлари, халқаро анжуманлар бунинг ёрқин далилидир. Фақатгина кейинги йиллар ичида Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги кўплаб мамлакатларнинг адабиётчилари иштирок этган қатор симпозиумлар, йиғилишлар ва учрашувлар бўлиб ўтди.

Яқиндагина Тошкентда Совет ва Колумбия ёзувчиларининг икки томонлама учрашуви бўлиб ўтган эди. «Маданий анъаналар ва замонавий адабиёт» мавзуига бағишланган бу учрашув кўпчиликда қизиқиш уйғотди. 16 чет мамлакатдан, шу жумладан, Болгария, Польша, Венгрия, Австрия, АҚШ, ГФР, Франция каби мамлакатлардан келган совет адабиёти таржимонлари ҳам ўзбек ижодкорлари фаолияти билан қизиқиб танишдилар. Шу йилнинг май ойида бўлиб ўтган совет адабиёти кунларида ҳам социалистик мамлакатларнинг етакчи ёзувчилари иштирок этдилар.

Ҳозирги пайтда республикамиз ёзувчилар ташкилоти шу йилнинг сентябрь ойида Олмаота шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясига қизғин тайёргарлик кўряпти. Конференцияга атаб Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг ўзбек тилига таржима қилинган ўндан ортиқ асари чоп этишга ҳозирланмоқда.

Республика ёзувчилар ташкилотининг 30 июлда бўлиб ўтган партия йиғилишида адабиётнинг тинчлик учун курашдаги вазифалари, Ўзбекистон ёзувчиларининг чет эллик адабиётчилар билан ижодий алоқасини янада кенгайтириш масалалари кўрилди.

Бу масала юзасидан Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш доклад қилди. У КПСС XXIV съезди томонидан ишлаб чиқилган Тинчлик программасининг қатъий ва оғишмай амалга оширилаётганлиги, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўйи ортиб бораётганлиги ҳақида гапирди.

—Халқларнинг тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга Л. И. Брежневнинг АҚШ, ГФР ва Францияга қилган визитлари катта ҳисса бўлиб қўшилди, — деди ўз нутқида докладчи, — Бу визитлар давомида олиб борилган музокаралар ва имзоланган битимлар турли ижтимоий системага мансуб давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг кенг уфқларини очиб берди. Аммо бу ҳол халқаро кескинликни юмшатиш душманлари тўла таслим бўлганлигини билдирмайди. Икки система ўртасидаги идеологик кураш ҳамиша ўз актуаллигини сақлаб қолади, бу соҳада ҳеч қачон ўзаро келишувчилик бўлиши мумкин эмас.

Ёзувчилардан Мирмуҳсин, К. Волков, Р. Файзий, Б. Пармузин, Миртемир, О. Сидельников, А. Пўлат, З. Фатхуллин, А. Аминов ва бошқалар ҳозирги шароитда идеология фронти ходимларининг вазифалари, чет эллик адабиётчилар билан ижодий алоқаларни кенгайтириш ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш ўз қарорида республика ёзувчиларини халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама ҳисса қўшиш, жамиятимиздаги янгилик куртакларини ёрқин ва ҳаққоний акс эттириш, ўз ватанининг содиқ граждани ва чинакам интернационалист бўлган совет кишисининг фазилатларини бор кўркамлиги билан акс эттиришга чақирди.

1971–1975 БЕШ ЙИЛЛИК: ҳал қилувчи йил

МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Меҳнат календарида—август

Бугун

УЧИНЧИ КВАРТАЛНИНГ ЗАРБДОР ОЙИ — АВГУСТ МЕҲНАТ ЭСТАФЕТАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДАГИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ БУ ОЙДА ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАШ ИШТИЁҚИДА ЭКАНЛИКЛАРИНИ ИЗҲОР ҚИЛИБ, ДАСТЛАБКИ КУНДАНОҚ СУРЪАТ-ГА-СУРЪАТ ҚЎШДИЛАР.

Тошкент меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилида социалистик мусобақани тобора авж олдириб, давлат план топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Улар мусобақани куч ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шиори остида ўтказиб, ўтган етти ойда ҳам қувончли натижаларга эришдилар. Шаҳримиз саноатчилари Улуғ Октябрнинг 56 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш юзасидан зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Қурувчиларимиз ҳам қурилиш-монтаж ишларини жадал суръатлар билан бажармоқдалар.

Хўш, тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилининг ўтган 7 ойида шаҳар саноат корхоналари ва қурилишларида қандай ютуқлар қўлга киритилди! Беш йиллик учинчи йили планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан авж олдирилган социалистик мусобақа қандай натижалар берди! Коллективлар олдида йилнинг янги ойида қандай вазифаларни бажариш турибди!

Шаҳримиздаги саноат корхоналари ва қурилишларининг коллективлари ўртасидаги бугунги йўқлама юқоридаги саволларга жавоб беради.

● Сўз — корхона раҳбарларига

Беллашув туфайли

Бугун

комбинатимиз чеварлари янги фасондаги халат, пижамаларни оммавий суратда ишлаб чиқаришга киришди. Бу коллективнинг йил бошидан буён буюртмачилар талаб ва истакларини инобатга олиб тайёрлаган учинчи янги маҳсулотидир.

Ишчиларимиз ҳал қилувчи йил социалистик мусобақасини кам маблағ сарфлаб, кўплаб яхши сифатли маҳсулот тайёрлаш шиори асосида давом эттирмоқдалар. Юксак унум билан меҳнат қилиш туфайли лобарлар қувончли ютуқларга эришмоқдалар.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш етти ойлик плани муддатидан илгари шараф билан адо этилди. 1354 минг сўм ўрнига бир миллион 400 минг сўмдан ортиқ кийим-кечак тайёрланди.

Биз ҳам Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, шахсий меҳнат беллашувини авж олдиряпмиз. З. Павлова етакчилик қилаётган цех меҳнатчилари пешқадамликни қўлдан бермаётир. Х. Аббосова, Т. Неъматжонова бошчилик қилаётган цехларнинг чеварлари ҳам мусобақада бўш келаётганлари йўқ. Шунинг учун ҳам, бу цехлар йил бошидан буён бир неча бор иккинчи, учинчи мукофотли ўринларни эгаллади.

Кунлик нормани мунтазам 170 процентдан ошириб адо этаётган Л. Фомина комбинат машъалларининг олдинги сафида бораяпти. Меҳнат пешқадами ўз календарида беш йиллик сўнгги йилининг тўртинчи кварталини қаршилаб олган. Н. Ишева, М. Зубкова, М. Мираҳмедова, М. Назарова сингари юзлаб чевар тикувчиларимиз фидокорона ишлари билан ўз ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Ҳал қилувчи йилнинг қолган ойларида ҳам коллективимиз олдида катта довонлар турибди. Биз яна энг камида 1200 минг сўмлик маҳсулотимиз билан мижозларимизни мамнун этишимиз лозим. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам, коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўзаро мусобақани янада авж олдираяпти. Чунки меҳнат беллашуви ютуқлар калитидир.

Ҳ. НОСИРХОНОВА,
3-тикув ишлаб чиқариш комбинатининг директори.

Қурилиш индустриясига қарашли 1-тажриба ремонт механика заводининг илғор фрезерчиси Пётр Соколов йигирма беш йилдан буён шу корхонанинг механика цехида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Ёш ишчиларнинг устози ва дўсти бўлган бу новатор ишчи ҳозирги кунда 1975 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти.
СУРАТДА: П. Соколов.

● Техника тараққиёти йўлида

Такомиллашган машиналар

Г. ЖИГАЛОВ,
«Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери.

Бугун

БОШ КОРХОНА — ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН «ПК-100 М» МАШИНАЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЕРИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ.

Завод мутахассислари томонидан такомиллаштирилган тўқув жиҳозлари Кораблинск ва Чайковский сунъий газламалар комбинатларида синовдан ўтди ва ўзининг яхши техник-фойдаланиш жиҳатларини кўрсатди.

Йил давомида корхонада «ПК-100 М» типидаги тўқимачилик машиналари конструкциясини модернизациялаш, эксплуатация жиҳатдан ишлаш ва уларни оммавий суратда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган катта ишлар амалга оширилмоқда.

Конструкторлар ишлаб чиқарувчиларнинг илтимосларини инобатга олиб, машиналарнинг бир қатор узелларини такомиллаштирдилар ва яхшиладилар. Станокларнинг ташқи кўриниши ҳам анча янгиланди. Шунинг натижасида, эндиликда, «ПК-100» машинасини ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиб, «ПК-100 М» машинасини серияли равишда тайёрлашни ташкил этамиз. Учинчи квартал охирига қадар биз 260 та станок тайёрлашимиз лозим.

Мукофотдан руҳланиб

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Р. АБДУЛЛАЕВ,
кўн-мўйна заводи директорининг ўринбосари.

Йил бошида биз ўз ички имкониятларимизни чамалаб чиқиб, зиммамизга оширилган мажбуриятлар олгандик. Мўйнадўзларимизнинг ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаши натижасида ярим йиллик топшириқ шараф билан бажарилди. Коллективимиз иккинчи кварталдаги иш якунлари бўйича Октябрь район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бугун

корхонамиз ишчилари учун яна бир қувончли воқеа юз берди. Меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари эвазига ишчиларимизга район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи тантанали равишда топширилди.

Мукофотдан руҳланган мўйнадўзлар меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисод ҳамда тежамкорлик режимини янада кучайтиришга қарор қилдилар.

Бу соҳада шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида ҳам яхши ютуқлар қўлга киритилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 7 ойлик план ортиғи билан бажарилди. Шу давр ичида 4 миллион 362 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Заводимиз коллективи ҳал қилувчи йил топшириқларини барвақт адо этиб, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга ҳаракат қилаяпти.

Тонгги газеталарда

● 31 июль куни Москвада, Катта Кремль саройида РСФСР Олий Советининг республика меҳнаткашлари вакиллари билан биргаликда Россия Федерациясига Халқлар дўстлиги орденини топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний нутқ сўзлади. Бугун тонгги газеталарда тантанали мажлис ҳақида ҳисобот, ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг нутқи ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцевнинг жавоб нутқи босилган.

● 30—31 июлда Қримда социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари бир-бирларига ўз партиялари, ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, ўз социалистик давлатларининг тараққиёти тўғрисида ахборот бердилар. Қардош партиялар ва мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ғоявий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, актуал халқаро проблемалар юзасидан кенг фикр алмашилди.

● Ўрта Осиё пароходчилигини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

БИРИНЧИ ИМТИҲОН

Бугун

барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланди.

Бу йил педагогика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига 6 минг 75 йигит ва қиз қабул қилинади. Педагогика билим юртлари аудиторияларида 5155 ёш таълим олади.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти коллективи янги ўқув йилига, айниқса, кириш имтиҳонларига пухта тайёргарлик кўрди. Институтда ўрта мактабларни битирганлар учун очиқ эшиклар куни ўтказилди, турли фанлар бўйича консультациялар уюштирилди.

— Биз бу йил институтимизнинг кундузги бўлимларига 625 абитуриент қабул қиламиз, — деди мухбиримиз билан суҳбатда институт ректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Э. О. Одилхўжаев, — ҳозиргача тушган аризалар миқдори 1780 тадан ошиб кетди. Абитуриентларнинг кўпчилиги бухгалтерлик ҳисоблаш, саноат ва граждан қурилиши, тепловоз хўжалиги факультетларига кириш истагини билдиришган. Биринчи кириш имтиҳонларини муваффақиятли ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, 23 йигит-қизни мамлакатимизнинг марказий олий ўқув юртларига юборамиз. Ленинград, Ново-Черкасск, Урал, Тула политехника, Брянск машинасозлик, Харьков коммунал хўжалиги институтларида серқуёш Ўзбекистонимиз ёшлари билим оладилар.

● Ишлаб чиқариш командирлари минбари

Оширилган мажбурият асосида

Мен ўз ишларимиз ҳақида ҳикоя қилишдан олдин, иккинчи ярим йиллик биринчи ойи план ва топшириқларини муваффақиятли бажарган барча ҳамкасбларимни ғалабалари билан табриклайман.

Ўтган ойда биз катта ишни бошлаб юбордик. Бешқайрағоч массивининг Зиё Саид кўчасида 1568 ўринли мактаб биносини қуришга киришдик. Мактаб массивдаги энг катта илм маскани бўлади. Мен учун яна шуниси қувончлики, салкам 10 йил ичида қурилишида бевосита қатнашган мактабларимга бу янги мактаб биносини ҳам қўшса, 8000 ўринли мактаб ҳосил бўлади.

Биз ҳозир бунёд этаётган мактаб биноси 4,5 гектар майдонни ишғол қилади. Бинода 40 та синф хонаси, фан кабинетлари, теплица, стадион, кўйингчи, ўқувчиларнинг билим олишлари учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммаси муҳайё этилади.

Ҳозир бинога пойдевор ёткизиш ишларини олиб бормоқдамиз. Бу ишларни Дмитрий Панитков бошлиқ бригаданинг Эркин Тожиев, Риф Бўлатов, Александр Красенко раҳбарлигидаги бетончилар, монтажчилар, дурадгорлар звенолари бажаришмоқда. Июль ойида объектда 30 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этдик.

Бугун

бинонинг асосий — А корпусининг «нуль» қисмига бетон ёткизишни бошладик.

Август ойида ҳам коллективимиз олдида катта вазифа турибди.

Н. ҲАСАНОВ,
«Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш тресті 13-қурилиш бошқармаси прораби.

Эпчиллик кўриги

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғи маъмурияти янгича анъаналарни пропаганда қилишга, театрлаштирилган томошалар ўтказишга катта эътибор бериб келаётир.

Кеча

боғнинг яшил театрида «Қани, қизлар, бўш келманг!» шиори остида анъанавий эпчиллик ва маҳорат кўриги ўтказилди. Бунда қизлар овқат пишириш, меҳмон кутиш, кийим тикиш сингари ишларда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Бугун

боғнинг кураш майдонида тошкентлик машҳур Аҳмад полвон мукофоти учун полвонлар мусобақаси бошланди. Бу оммавий кураш мусобақасида республикамиз областларидан келган таниқли полвонлар қатнашмоқдалар. Кураш ҳар жума, шанба ва якшанба кунлари ўтказилади. Мусобақалар 10 сентябргача давом этади.

● Пойтахтимиз меҳмонлари

Гул ва табассум билан...

Бугун

Польша Халқ Республикасидан Ўзбекистон пойтахтига келган бир группа ўқувчиларни тошкентликлар гул ва табассум билан кутиб олдилар.

Польшалик болалар Ўзбекистон халқлари тарихи, санъат музейларида бўлиб, ундаги экспонатларни томоша қиладилар. Шундан сўнг, меҳмонлар В. И. Ленин номли республика пионерлар саройида тенгдошлари билан учрашадилар. М. Горький номли маданият ва истироҳат боғи бағрида чет эллик болалар дам олишади.

«Пионерская зорька» лагерида улар билан учрашув ўтказилади.

Тунжер Эргашева шаҳардаги консерва заводи мева цехининг зарбдор шарбат қуювчиларидан бири. Бу ишлаб чиқариш пешқадами сменада 5—6 минг банка мева шарбати тайёрлайди.
СУРАТДА: Т. Эргашева.

М. Нуриддинов фотолари.

АВГУСТ ОБ-ҲАВОСИ

Июль ойи анча иссиқ келди. Тошкент областида айрим кунлари ҳарорат 40—43 даражагача кўтарилди. 12 июлда пойтахтда ҳарорат 42,5 даражага етди. Бу аввалги йилларнинг шу кунига нисбатан анча юқоридир. Тошкентда энг юқори даража иссиқ 1944 йилнинг 10 июлида бўлган эди. Ўшанда термометр симоби 43,6 даражани кўрсатганди.

Август ойининг биринчи ярмида ҳаво анча иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва областда кечалари 20—25, кундузлари 33—38 даража, баъзан 39—40 даражагача иссиқ бўлади. Тўртинчи ва олтинчи беш кунликларда ҳарорат кечалари 10—15, кундузлари 25—30 даража бўлади.

Ойнинг қолган кунлари кечалари 15—20, кундузлари 20—35 даража иссиқ қайд қилинади. Ҳавонинг ойлик ўртача ҳарорати нормага яқин — 24—27 даража бўлади.

Ой давомида ҳаво кам булутли бўлиб, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилмоқда. Шимолий-ғарбдан кучсиз шамол эсади. Лекин ҳарорат пасайган кунлари секундига 12 метр тезликда шамол эсади.

А. АВАНЕСОВА,
синоптик.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ БЕЛГРАД. Бу ерда эсперанто бўйича мутахассисларнинг 58-жаҳон конгресси очилди. Беш қитъанинг ҳаммасидан келган конгресснинг икки минг қатнашчиси ана шу бирдан-бир ўзига хос сунъий халқаро тил назарияси ва практикаси ҳамда истиқболлари тўғрисидаги масалаларни, унинг тилшунослик соҳасида тутган ўрнини муҳокама қилади. Европадаги кўпчилик тиллар учун умумий бўлган лексика ва грамматика асосида ўтган аср охирида тузилган эсперанто луғатида ҳозир юз мингдан кўпроқ сўз бор. Ҳозирги вақтда эсперанто тилида юздан кўпроқ нашр сифатида, шу жумладан «Польша» ва «Ҳозирги Болгария» журналлари чиқарилмоқда.

Конгресс 4 августгача давом этади. Унинг ишини эсперанто бўйича ҳар куни программа олиб бораётган Европадаги икки станция, Загреб ва Варшава станциялари радио орқали ёритади.

◆ ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати билан Исландия Республикаси ҳукумати тўла тенглик, ўзаро манфаатдорлик, суверинитетни ва бир-бирининг ички ишларига аралашмасликни ҳурмат қилиш принциплари асосида барча соҳаларда дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида элчилар даражасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида келишиб олди. Бу ерда эълон қилинган Корея-Исландия қўшма ахборотида шу ҳақда гапирилади.

◆ ЖЕНЕВА. Мамлакат жамоатчилиги вакилларини бирлаштирувчи Швейцария комитети черковни давлатдан ажратиш ҳақидаги талаб билан майдонга чиқди. Комитет конституцияга черковни давлатдан тўла ажратишни кўзда тутувчи модда киритиш мақсадида умуммиллий референдум ўтказишни таклиф қилди.

◆ ГАВАНА. Куба алоқа министрлиги Монкада казармалари штурм қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган бир туркум маркалар чиқарди. Туркум қиммати 3,13 ва 30 сентаво турадиган уч маркадан иборат. Биринчи маркада ватанпарварлар штурм қилишга тайёргарлик кўрган Сибоней қўрғони, иккинчи маркада Сантьяго де-Куба шаҳридаги ҳозир мактаблар шаҳарчасига айлантирилган Монкада казармаси ва учинчи маркада Куба революционери ва мутафаккири Хосе Мартига Гаванадаги революция майдонида ўрнатилган ҳайкал тасвирланган.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналари ҳамда қурилиш ташкилотлари меҳнаткашларининг ижодий ташаббускорлигини ошириб юборди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчилари Лидия Казанцева ва Евгения Губинанинг, шунингдек, авиация заводи фрезерчиси Альбина Девятованинг ташаббуси кенг қулоч ёйганлиги 1973 йил ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга интилишнинг ватанпарварлик ҳис-туйғусидир. Ҳаммага маълумки, меҳнат ветеранлари иш жойидаги ички имкониятлар ҳамда ускуналар ҳисобига беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш планини муддатидан илгари бажаришга қарор қилдилар.

Илғорлар ташаббуси, улар мажбуриятининг алоҳида хусусияти, ўз сўзларига содиқ қолаётганликлари — мусобақа қатнашчиларининг ҳаммаси учун намуна бўлмоқда. Мусобақанинг кучи, аввало, унинг оммавийлигидадир. В. И. Ленин буни бир неча бор таъкидлаган эди. Бу мусобақада ишчиларнинг, барча меҳнаткашларнинг шахсий ташаббуси кенг ёйилишига эришишни, илғорлар намунаси оммага таъсир эта олишига эришишни жуда муҳим, деб ҳисоблар эди.

Худди шундай бўляпти ҳам. Донгдор тўқувчи ва фрезерчининг ажойиб ташаббусига пойтахтдаги ўн минглаб меҳнаткашлар қўшилдилар. Бунинг натижасида шаҳарнинг 200 дан ортиқ ишчиси қабул қилган социалистик мажбуриятни шараф билан бажарди — шахсий беш йиллик планини бажарди ва ҳозир 1976 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Июнь ойининг бошларида Тошкент шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан тўқимачилар Маданият саройида корхона раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, касаба союз комитетларининг раислари, ишлаб чиқариш илғорларининг семинари бўлиб ўтди. Бу семинарда якка тартибда қабул қилинган социалистик мусобақа ҳамда Л. Казанцева, Е. Губина ва А. Девятова ташаббусининг шаҳардаги завод ва фабрикаларда кенг ёйилганлиги муҳокама қилинди.

Шундан кейин кўпгина корхоналарда партия ва касаба союз йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда 1973 йил ва беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган якка тартибдаги мусобақаларни бундан буён янада оммалаштириш масаласи ҳар тарафлама кўриб чиқилди.

Мусобақанинг ҳақиқийлигини ошириш, унинг асосий принципларини, яъни оммавийлигини, таъсирчанлигини оширишни, меҳнат натижаларини таққослаш, илғорлар тажрибасини такрорлашни ривожлантиришга, бу муҳим ишга план-иқтисод, меҳнат ва иш ҳақи каби бўлимларнинг қўшилиши кўп жиҳатдан қўл келади. Трикотаж фирмаси, 3-тикувчилик, каноп, бадиий буюмлар фабрикаларида, электрон-техника, асбобсозлик заводи ва бошқа корхоналарда худди шундай қилинди.

Шунинг билан бирга, кўпгина корхоналарда якка тартибдаги мусобақа кенг ривожлангани йўқ. «Промсвязь» Экскаватор ремонти, «Ташэлектромаш» заводларида ва бошқа корхоналарда Л. Казанцева билан А. Девятованинг ташаббуслари ҳар бир ишчига намуна бўлишига эришилгани йўқ. Бу ва бошқа корхоналарда шундай ишлаб чиқарувчилар ҳам борки, улар ҳатто ким-ким билан мусобақалашаётганлигини, кимкимга тенглашиши кераклигини билмайдилар.

БИЗ БУГУНГИ САҲИФАМИЗНИ ЗАВОД ВА ФАБРИКАЛАРДА ЯККА ТАРТИБДАГИ МУСОБАҚАЛАРНИНГ АМАЛДА ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАЁТГАНЛИГИГА БАҒИШЛАЙМИЗ. УНДА НИМАЛАР ҲИСОБИГА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ ВА МУСОБАҚАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА ҲАМ ТЎХТАЛИНАДИ.

«...ПЛАННИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТИДАН ТЕЗРОҚ БАЖАРИЛИШИГА ОҒИШМАЙ ИНТИЛИШ ЛОЗИМ».

В. И. ЛЕНИН

ПЛАНЕРКАМИЗ КУН ТАРТИБИДА

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

◆ КИМ БИЛАН МУСОБАҚАДОШСИЗ? ◆ УЗАРО БЕЛЛАШУВ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН ◆ БЕШ ЙИЛЛИК ШАХСИЙ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАЙЛИК ◆ ЁШ ИШЧИЛАРГА МУРАББИЙЛИК ҚИЛИШ — ВЕТЕРАНЛАРНИНГ БУРЧИ.

Илғорларга тенглашиб

«Химчистка» фабрикасида кийим-кечакларни дастлабки саралаш бригадаси бор. Бу бригадага Зумрад Сулаймонова бошчилик қилади. Бир қарашда уларнинг ишида фавқулодда ҳеч нарса йўқдек туюлади. Аммо ишлаб чиқаришни яхши билмайдиган кишиларгина шундай ўйлаши мумкин, холос. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, умумий ишнинг муваффақияти аввало сараловчиларга боғлиқ. Чунки улар қайси кийимни қай йўсинда тозалаш кераклигини аниқлаб беришади. Бунинг учун эса, билим керак.

Сулаймонова бригадасининг аъзолари ўз касбларини мукаммал эгаллай олишга муваффақ бўлишди. Бунда социалистик мусобақа катта роль ўйнади. Зиммага олинган мажбуриятлар икки баравардан ортиқроқ қилиб бажарилди.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган бу йилда муассасада юксак меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Қилинган ишларга ҳар ойда якун ясалади, илғорларга пул мукофотлари берилади. Уларнинг тажрибаси эса бутун коллективнинг фахри, бойлиги бўлиб қолади.

Ёғ доғларини йўқотиш цехининг аппаратчилари ҳақида алоҳида тўхталгинг келади. Бу цехда Елена Нам бошлиқ бригада аъзолари меҳнат мусобақасининг ғолиблари бўлишди. Уларнинг ярим йиллик кўрсаткичи 254,9 процентни ташкил этди. Шуниси характерлики, бундай муваффақиятга ишловдан ўтказиладиган нарсалар сифатини яхши сақлаб қолган ҳолда эришилди. Аппаратчилар ўз билимларини, тажрибаларини сир сақламайдилар. Аксинча, улар Татьяна Родионова бригадаси аъзолари билан иш тажрибаларини ўртоқлашадилар. Бу икки коллективнинг ҳозир 1975 йил ҳисобига меҳнат қилаётгани бежиз эмас-да.

Цехдагилар ўзларининг энг яхши ишчилари билан ҳақли равишда фахрланишади. Муассаса ветеранлари озмунча аппаратчилар тайёрлашмади. Уларнинг шогирдлари бугунги кунда социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришмоқда. Фрунзе район партия комитетининг аъзоси, район Советининг депутати, фабрика халқ контроли группасининг раиси Ш. Комилова билан фахрланмай бўладими?

Кийим қабул қилувчиларнинг меҳнати ҳам енгил эмас. Ҳозирча уларга қулай бўлмаган, мослаштирилмаган хоналарда ишлашга тўғри келаётгани, мижоз ўтирадиган жой йўқ бўлгандан кейин нима дейиш мумкин. Аммо шунга қарамай, З. Алиева (26-қабул пункти), Л. Шегаева (8-қабул пункти) Э. Маликова (24-қабул пункти) сингари меҳнатсевар, хушмуомала ходимларимиз шаънига мақтов сўзлари эшитиш қандай мароқли.

Ярим йиллик якунлари кишини қувонтиради. «Химчистка» фабрикасининг коллективи хизмат кўрсатиш планини 103 процентга бажарди. Пландан ташқари 19500 сўмлик хизмат кўрсатилди. Муассаса хизматчилари ўз аҳдларининг устидан чиқишди. Бригадалар, цехлар ўртасидаги мусобақа ой сайин кенгайиб, кенг қулоч ёйиб бормоқда.

А. СИРАЕВА.
«Химчистка» фабрикаси техника контроли бўлими бошлиғи.

«Ишлаб чиқариш топшириқларини иш жойларида меҳнат унумдорлигини комплекс равишда ошириш планлари асосида барвақт бажариш учун бошланган ҳаракат қўллаб-қувватлаш ва ёйишга арзийдиган ҳаракатдир. Бу ҳаракат Москва, Ленинград, Киев, Минск, Тбилиси, Тошкент, Рига, Свердловск, Горький, Новосибирск ва бошқа саноат марказларидаги корхоналарда кенг қулоч ёйди...

Бу планлар ишлаб чиқариш ички резервларини излаб топиш ва улардан фойдаланишда меҳнаткашлар иштирокининг ҳақиқий воситаси, ишчилар, мутахассислар ва ишлаб чиқариш раҳбарларининг бир-бирлари олдида зиммаларига олган мажбуриятларининг конкрет формаси, шу кишиларнинг биргалашиб ижодий меҳнат қилмоққа тузган аҳдномасидир».

(КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан).

Дўстларим ҳақида ҳикоя қиламан

Сўзимиз қатъий

Улар шу йилнинг 1 февралида бўлиб ўтган йиғилишда тасдиқдан ўтишди. Эндиликда, мажбуриятларимиз бандлари битилган махсус папка объектнинг ёнгинасида прораб вагончасида сақланмоқда.

Биз 2-автотранспорт конторасии биносини комплекс усулда бунёд этаяпмиз.

Камтарликдан бўлмаса ҳам, шуни айтишим кераки, бизнинг бригадамиз тажрибали мутахассис В. Румянцев раҳбарлигида 153-трестнинг 14-бошқармасида энг илғорлардан саналади. Ана шунинг учун ҳам, ҳар биримиз, ўтган йилги зиммага олинган марралар даражасидагина мажбурият олишимиз биз учун ноқулай, албатта. Янада юксак марраларни кўзлаяпмиз. Ҳамма, жумладан, ғишт терувчилар звено бошлиғи Петр Арефьев ва электр пайвандчи Ҳожиакбар Пўлатов ҳам ана шундай юқори мажбурият олдилар.

Буларнинг ҳар иккисини ҳам кўпдан бери танийман. Арефьев бригадамизда уч йилдан бери, Пўлатов эса беш йилдан бери меҳнат қилмоқда. Уларга ўхшаган азаматлар коллективимизнинг асосини ташкил этади. Бундай йигитларга ҳар қандай қийин иш участкасини бемалол топшириш мумкин. Улар юзни ерга қаратадиганлардан эмас. Ғишт териш санъатида Пётрнинг олдига тушадиган топилмаса керак. Масалан, нормага кўра, ғишт терувчи ҳар сменада 2,5 куб метр ғишт териши лозим бўлса, Петр бемалол 3 куб метр ғишт термоқда. Бу ишни у энг оғир шароитли участкаларда бажармоқда. Агар унга ғишт тўхтовсиз етказиб берилса, айниқса, қоришмадан камчилик сезилмаса, Петр айрим сменаларда 5, ҳатто ундан ҳам кўп куб метр ғишт тера олади.

Арефьев аъло даражадаги ғишт терувчи бўлибгина қолмай, яхши бетончи ва дурадгордир ҳам. Бу йил эса, у электр пайвандчилик касбини ўрганиш мажбуриятини олди. У пайвандлаш асбобини биринчи бор қўлга олганини бутун бригада коллективи кузатиб турган эди. Эндиликда, бу асбоб унинг моҳир қўлларида «тилга» кираётир. Уйлайманки, йилнинг охирига бориб, бригадамиз жуда малакали бир электр пайвандчига эга бўлади.

Агар Арефьев учун бу касб янги бўлса, Пўлатов бўлса бу ишда анча тажрибалидир. Биз, одатда, унга энг масъулиятли ишларни топширамиз. Бу ишларнинг бажарилиш сифати ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади. Чунки Пўлатов ишни қисқа муддатда аъло сифатда бажаради. У смена топшириқларини камида 115 процентдан адо қилишга сўз берган. У яқинда сув учун минг куб резервуарда темир-бетон элементларини пайванд этди. Бу планда кўрсатилган муддатдан анча тез бажарилди. Худди мана шундай суръатда, у ҳозир бошқа — 500 куб резервуардаги ишни бажармоқда. Унинг бажарган барча ишлари камида «яхши» баҳода тақдирланмоқда.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига келганда, бу ҳар иккала йигит бир соат ҳам прогул қилмасликка, ишга кечикмасликка, топшириқни лойиҳада кўрсатилганидан зарра ҳам четга чиқмай бажаришга, технология қоидаларига қатъий риоя қилишга аҳд қилдилар. Бу қувончли, албатта.

Биз объектимизни шу йилнинг охирида фойдаланишга топширишга қарор қилганмиз. Ана шунинг учун ҳам, бу икки йигит, бутун коллективимиз, агар ҳар ким ўз зиммасига олган шахсий мажбуриятини бекаму-кўст бажарса — бригада ўз сўзи устидан албатта чиқади. Мен бунга ишонаман. Ишимизни бетўхтов жадаллаштириш учун, илгари берилган ваъдага кўра, қурилиш қоришма билан яхши таъминлаб турилиши лозим. Объектда вентиляцион, электротехник ва санитария-техника ускуналарини монтаж этиш тезроқ амалга оширилса, нур устига нур бўлур эди.

Биз ўз сўзимиз устидан албатта чиқамиз.

Ю. ВИЛКОВ,
153-трест 14-қурилиш бошқармасининг бригадир ёрдамчиси.

◉ ФОТОРЕПОРТАЖ

ЯГОНА МАҚСАД

Туйнукдан транспортёр лентасига қоғоз билан ўралган газламалар бирин-кетин келиб тушади. Уларга этикетка ёпиштирилса бас. Тўпламаларга боғлашади-ю... Тошкент ип-газламалари мамлакатимизнинг узоқ-яқин бурчакларига, чет элларга йўл олади.

Юқоридаги суратда—тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг контроль браклаш цехи тасвирланган. Бу ерда контролёр қизларнинг қўли сўнгги марта газламаларга тегади. Бу ерда Лидия Острецова ва Тоня Гринина бошчилик қиладиган икки комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилади.

Ҳар икки бригада ҳам яхши меҳнат қилади, бир-бири билан мусобақадош. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилидаги улар ўртасидаги мусобақанинг бир неча саҳифалари билан танишайлик:

Январь. Олдинда нормани 120 процент бажарган Гринина бригадасининг қизлари. Мусобақадошлари улардан атиги 0,9 процентга орқада қолишди. Аммо, кейинчалик —февраль, март, апрель ойларига келиб коллективлар ўрин алмашишди. Энди Острецова бригадаси олдинда.

Ҳозир, мусобақанинг 7 ойидан сўнг Лидия Острецова бригадасининг ўртача кўрсаткичи 1,5—2 процентга юқорироқ. Ваҳоланки, ҳар икки коллектив юксак суръат билан меҳнат қилаётир. Ҳар икки бригаданинг ҳам ўз мусобақа пешқадамлари бор. Т. Гринина бригадасидан — Лариса Лекомцева, Мунифа Ёқубова, Лидия Лазина, Острецова бригадасидан — Зина Голишева, Людмила Кургузовалар шулар жумласидандир.

Бригада бошлиқларининг ўзлари ҳам бир-бирлари билан мусобақалашишмоқда. Масалан, июль ойида Острецова ўз дугонасини 0,3 процентга ортда қолдирди. Бунинг боиси нимада? Бунда ишчининг чаққонлиги, кузатувчанлиги, умуман олганда унинг тажрибаси ва маҳорати катта роль ўйнайди. Бригада бошлиқларининг натижалари ўртасида фарқ катта эмас.

Контрол-браклаш цехининг бошлиғи Е. К. Грудницкаянинг ҳикоя қилишига қараганда, қизлар унинг қўлида касб ўрганишганда иккаласи ҳам биринчи кундан бошлабоқ меҳнатга муҳаббат ва кузатувчанлик сифатларини намойиш қилишган. Аммо Лидия фабрикага Тоняга нисбатан бироз олдинроқ келган. Эҳтимол у эришган муваффақиятнинг боиси ҳам шундадир.

Бригада бошлиқлари ва бригадаларнинг беллашувига якун ясашга ҳали вақт бор. Ҳар икки коллектив ҳам беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини 7 ноябргача бажариш мажбуриятини олган. Бу демак мусобақада биринчилик учун ҳали қизғин кураш бўлади.

...Транспортернинг бир томонида саккиз оқим, иккинчи томонида саккиз оқим. Мусобақадош бригадаларнинг маҳсулоти эса бир умумий ўзанни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир бригада аъзосининг муваффақияти ҳаммани бирдек қувонтиради.

В. БЕЛОПЛОТОВ.

СУРАТЛАРДА: комсомол-ёшлар бригадаларининг етакчилари Лидия Острецова (чапда) ва Антонина Гринина. Автор фотолари.

Ҳамжиҳатлик билан

Бу йилги 1 Май байрамини мен ўзгача кайфият билан кутиб олдим. Чунки мен байрам арафасида трикотаж фирмасида биринчилардан бўлиб, беш йиллик планни бажардим. Нимасини айтасиз? Қалбимдаги қувончнинг чеки йўқ эди.

Мен беш йилликнинг бошида, 1971 йилда зиммага олган шахсий мажбуриятларимга беэътиёр нигоҳ ташладим. Унда «Тўққизинчи беш йиллик шахсий плани — уч йилда бажарилади», деган банд бор эди. Мен белгилаган маррани саккиз ой муқаддам эгаллабман. Ана шу давр резерви жуда ҳам салмоқлидир.

Шунда миямга яна бир янги фикр келиб қолди. У 1975 йил охирига қадар яна битта беш йиллик планни ниҳоясига етказиш тўғрисидаги ният эди.

Шунда мен Ираида Суздальцева билан маслаҳатлашдим. Чунки биз бир-биримиз билан мусобақадошмиз. Ўртоқларча ҳамжиҳатлик ишимизда бизга жуда катта ёрдам беряпти. Меҳнат беллашуви ишчилар ўртасида зўр кўтаринкилик туғдирди, шунинг учун ҳам, уларнинг кўпчилиги шахсий қарорларини коллектив равишда қабул қилишади.

Биз эса Ираида билан пешма-пеш бораяпмиз. У ҳам апрель ойининг охирида беш йиллик планини бажарган эди. «Кел, деди у, зиммамизга янги мажбурият олайлик». Шундай қилиб, биз яна мусобақани давом эттираяпмиз. Ундан кўзда тутилган мақсад тезроқ белгиланган маррага етиб келишдир.

Фирмада 1963 йилдан бери тикувчилик касбида ишлаб келаман. Ўз касбимга бўлган қизиқиш, тажрибали мастерлар ёрдамида касб маҳоратини оширишга интилиш туфайли, қисқа вақт ичида биздаги мавжуд барча жиҳозларда бажариладиган ҳар хил жараёнларни пухта ўзлаштириб олдим. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси қўлга киритилаётган ютуқларнинг калитидир.

Кўпинча, мендан меҳнатда қандай қилиб ана шундай юксак натижаларни қўлга киритаяпсиз, деб сўрашади. Менимча, тикувчининг меҳнатда юксак кўрсаткичларни қўлга киритиши учун, аввало, у ишчи кунидан самарали фойдаланиши ва ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштириши керак.

Бу ерда, бундай қараганда, кишига «майда» бўлиб туюладиган ишларга—ишчи ўрнини тайёрлаш, буюмларни тикишга кетадиган заготовкаларни жойлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ортиқча ҳаракатларсиз, заготовкаларни тўғри олиб, уларни қулай қилиб қўйиш, кейин эса, машиналарда маҳсулотни тикиш жараёнларини ўрганишга кўникиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу ерда ишчи қўллари тез ҳаракат қилиши керак. Мен ишчи бармоқларининг ҳаракати қўл ҳаракати билан мос тушиши ҳақида фикр юритаяпман. Ҳар бир бармоқ маълум бир мақсадга хизмат қилмоғи керак.

Қалбдан ғайрат кўрсатиб ишлаш учун киши, аввало, ўз касбига, бажарадиган ишига ихлос қўйиши керак. Ана ўшандагина меҳнат унумдорлиги ҳам ошади, маҳсулот сифати ҳам кўтарилади. Ана ўшандагина ўз тажрибаларингни ўртоқлашгинг, уни ёшларга ўргатгинг келади.

И. Суздальцева билан олган мажбуриятимизда «Иккита шогирдга мураббийлик қилиш» ҳам кўрсатилган.

А. Девятова ташаббусига қўшилиб, мен ва бизнинг бошқа тажрибали тикувчиларимиз ёшларга мураббийлик қилмоқдамиз.

Масалан, мен А. Ҳасанова, И. Мўминова, Д. Зокироваларга тикувчилик сирларини ўргатдим. Эндиликда уларнинг ҳар бири мустақил равишда ишлашяпти. Керак бўлиб қолган тақдирда бошқа ёш ишчиларга ҳам ёрдам бераман.

И. Суздальцева ҳам ўз тажрибаларини ёшларга бажонидил ўргатяпти.

Ҳозирги пайтда фирмамизнинг ўнлаб ишчилари ёшларга мураббийлик қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ўз меҳнат календарларида 1974—1975 йилларни қаршилаб олишган. Бизлар билан бирга беш йиллик планни Анастасия Гордеева, Мария Зябловалар ҳам барвақт бажаришган.

Биргина бизнинг цехимизнинг ўзида бир неча тикувчилар зиммаларига тўққизинчи беш йиллик планни 1973 йилда адо этиш мажбуриятини олишган. Улар ана шу юксак мажбуриятларни шараф билан бажармоқдалар ва белгиланган маррага тобора яқинлашмоқдалар.

Мусобақани яхши ташкил этиш, бригадалар ва цехлар ўртасида, ишчилар ўртасида унга ўз вақтида якунлар чиқариб туриш мажбуриятларни муваффақиятли бажаришимизда жуда қўл келаяпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида»ги докладида айтгандек, станок ёнида ёки далада меҳнат қилувчи киши ўз қалби, ўз юрагининг ҳароратини ишга бағишламас экан, энг яхши режалар ҳам бажарилмай қолаверади. Бу жуда оқилона айтилган гаплардир. Ўз ишига, касбига бўлган муҳаббат ва садоқатгина ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритишнинг асосий гаровидир.

Л. ФЕОКТИСТОВА,
коммунистик меҳнат зарбдори, трикотаж фирмасининг тикувчиси.

Ялқовлар ҳам бор

Резина-техника буюмлари заводи коллективи беш йилликнинг учинчи йили планини, шунингдек, 1973 йил ярим йиллик планини муваффақиятли бажарди. Бу йилнинг олти ойи ҳисобига пландан ташқари 50 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди.

300 га яқин ишчи, 17 бригада 1973 йил ва беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш мажбуриятини зиммаларига олишди. Курск ва Воронеждаги турдош корхоналарнинг илғор тажрибаларига амал қилган Тошкент резина-техника буюмлари заводининг ишчи ва мутахассислари меҳнат унумдорлигини сезиларли равишда оширдилар, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам равишда жиҳозлаб келишяпти.

У. Носиров бригадаси мусобақада кўзга кўринарли муваффақиятларни қўлга киритди. Бу бригада 1974 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ишчилардан Р. Назаров, Т. Пункевич, В. Чернишев, Б. Қулмуҳамедов, Т. Кодино Т. Жирнова ва бошқалар меҳнатда ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

Аммо ишлаб чиқариш илғорлари билан бир қаторда меҳнат интизомини мунтазам равишда бузиб келаётган, ишлаб чиқариш нормасини бажармаётганлар ҳам йўқ эмас. Слесарлардан Танков ва Пантелеев, пресловчилардан Батурин ва Смирнов, шунингдек, Демидовлар ана шундайлар жумласидан.

Бундай бўлишига сабаб шуки, ёш ишчиларни оталиққа олиш бу ерда ишлаб чиқариш нормасига айлангани йўқ, ветеранларнинг мажбуриятларида ёш ишчиларни оталиққа олиш ҳақидаги бандлар учрамайди.

Социалистик мусобақа якунларини эълон қилиб туриш ҳам кўнгилдагидек эмас. Беш йиллик илғорлари — ишлаб чиқариш илғорларининг суратлари ҳамма участкаларда ҳам осиғлик эмас. Бу эса жиддий камчилик ҳисобланади.

М. АВЕРИН.

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА

Июнь ойидаги иш якунларига кўра «Заводнинг ҳунар бўйича энг яхши ишчиси» унвони кристалларни қирқувчи И. Бондинга, заготовкачи И. Никитинага (иккаласи 11- цехдан), аппаратларни созловчи И. Михневичга (2 цех), йиғувчилар В. Тишковец, Г. Еляветдинова, Н. Соломаха, ишчи Х. Тошбоева (ҳаммаси 5-цехдан), берилсин.

Июндаги иши учун 20-цех токари А. Вдовин, 2-цехнинг паялкачиси А. Аносова ва Н. Поздняковларнинг «Касби бўйича энг моҳир» деган унвони тасдиқлансин.

(Завод касаба союз комитетининг қароридан).

Энди ана шу ғолиблар ҳақида бир неча оғиз сўз эшитинг.

Л. Никитина. Коммунистик меҳнат зарбдори. Цехда биринчилардан бўлиб ўзининг шахсий белгиси билан ишлаш шарафини қўлга киритган. Москвалик Г. Арефьева ташаббуси изидан бориб, у бир ойда бир марта тежаб қолинган материаллар эвазига ишлашга қарор қилган. Мажбуриятлар муваффақиятли тарзда бажарилмоқда.

А. Вдовин. «Касби бўйича энг моҳир» деган унвонни йил бошидан бери ўзида сақлаб келаяпти. Сентябрь ойида беш йиллик уч йили планини бажаришга аҳд қилган. «Мажбуриятни бажармагунимча меҳнат отпускасига чиқмайман» дейди.

Беш ойдан бери «Касби бўйича энг моҳир» унвонини А. Аносова ҳам қўлда сақлаб келаяпти. У ўзининг мажбуриятларига меҳнат унумдорлигини 50 процентга ошириш, шахсий белги билан ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш, ойида бир марта тежаб қолинган хом ашё ҳисобига ишлаш сингари бандларни ёзган. Хўш, мажбуриятлар қандай бажариляпти? Агар илгарилари Антонина нормасини 120—130 процент бажарган бўлса, ҳозир топшириқни 160-180 процент қилиб адо этаяпти. Беш ойдан бери у приборларни контролерсиз топширяпти, биророрта ҳам прибор брака чиқарилмади. Шу давр ичида А. Аносова тежаб қолинган хом ашёдан 4 мингта прибор тайёрлади.

Худди шунга ўхшаш мисолларни яна жуда кўплаб келтириш мумкин. «Касби бўйича энг моҳир» унвонини олиш учун мусобақалашиш бизнинг заводимизда шахсий беллашувнинг муҳим формаларидан бирига айланган. Бу мусобақада 2600 дан ортиқ кишининг иштирок этаётганини айтишнинг ўзи беллашув яхши самаралар беражагидан гувоҳлик бермоқда.

«Касби бўйича энг моҳир» унвонини олишга беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммасига шахсий социалистик мажбурият олган ва уни муваффақиятли бажараётган, аъло навли маҳсулот тайёрлаётган, буюмларнинг ҳаммасини биринчи тақдимдаёқ топшираётган ёки шахсий белги билан ишлаш ҳуқуқини қўлга киритган, мунтазам равишда ўзининг малакаси ва умумий таълим савиясини ошириш устида ишлаётган, ўзининг ишлаб чиқаришдаги тажрибаларини ҳамкасб ўртоқларига ўргатадиган, ёш ишчиларга ўз касбини ўргатадиган ишчи даъвогар бўлиши мумкин.

Кўриб турибсизки, бундай мусобақада ғолиб чиқиш ҳазилакам гап эмас, барча қўйилган шартларни бажариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Масалан, низом бўйича завод касаба союз комитети ҳар ойда 30 та ишчига «Касби бўйича энг моҳир» унвонини бериши мумкин. Амалда эса бу маррага фақат 10—15 киши етиб келади холос. Бошқа номзодлар эса муҳокамага сабаб бўлади. Чунки, унвон берилишидан олдин уларнинг ҳар бири мусобақада қўлга киритган натижалари диққат билан цех ишчилар комитети ва ишлаб чиқариш-оммавий комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ана шундан кейингина мусобақа якунлари завод касаба союз комитетининг маъмурият билан биргаликдаги кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилади.

Мусобақа якунлари кўп нусхали «Ленинец» газетасида, деворий газетада кенг ёритилади, завод касаба союз комитетининг қарори тўғрисида шу куни «Чақмоқлар» хабар беради.

Мусобақа ғолиблари учун 15 сўмдан 30 та мукофот белгиланган. Агар ишчи қаторасига олти ой мусобақада ғолиб чиқса, унга Фахрий ёрлиқ топширилади. «Касби бўйича энг моҳир» унвонини кимдаким йил бўйи ўзида сақлаб қолса, унинг номи корхонанинг Фахрий Китобига ёзилади.

Илғорларнинг тажрибасини кенг ёйиш мақсадида биз уни матбуотда пропаганда қиламиз, ишчи йиғилишларида ва завод касаба союз комитетининг мажлисларида ишчиларнинг сўзларини эшитамиз. Масалан, июнь ойида завод касаба союз комитети касби бўйича энг моҳир ишчилардан А. Аносова ва Н. Поздняковаларнинг тажрибасини маъқуллади. Улар шахсий социалистик мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида гапириб бердилар. Меҳнатни қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бундан ташқари, илғорларнинг тажрибаси бевосита иш жойининг ўзида ёйилади, иш жойининг ўзида ҳар бир ветеранга биркитиб қўйилган шогирдларга тажрибалар ўргатилади.

Масалан, коммунистик меҳнат зарбдори, заводнинг энг яхши қирқувчиси С. Кузнецов 10 ёшга ўз касбини ўргатди. 15 йиллик иш давомида Станислав операторлик, силлиқловчилик, қирқувчилик мутахассислигини эгаллади. У қимматбаҳо материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиб, йил бошидан бери 2 минг сўм тежаб қолди.

Шахсий планлар бўйича шахсий мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, «Касби бўйича энг моҳир» деган унвонни қўлга киритиш учун бошланган беллашув яхши самаралар бераяпти. Ҳозирги пайтда корхонанинг 300 дан зиёд ишчиси 1974 йил ҳисобига, 43 мусобақа ғолиби эса беш йиллик охирги йили ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Яқинда биз 5-цех ишчиси Валентина Тишковецни қизғин қутладик. У беш йиллик ҳал қилувчи йили топшириғини 5 ой ичидаёқ бажариб қўйди. Мусобақасиз, ягона мақсадсиз бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхши ишлаш мумкин эмас. Ана шу мусобақа туфайли қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам қувонарли бўлаяпти.

М. БОНДАРЕВА,
электрон-техника заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

Э. САЛДИНА,
завод меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг инженери.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ЯШИРИН ДАРДНИ АНИҚЛАБ БЎЛАДИМИ?

Кишилар ёр-биродарлари билан учрашганда, аввало, бир-бирларининг саломатликларини сўрашиб, сўнг «соғ бўлинг» деган тилак айтиб хайрлашишади. Бу олижаноб анъана дунёдаги ҳамма халқларга тааллуқли.

Лекин ҳар бир киши ўз саломатлигини кузатиб туриши ва даволатиши лозим. Бунда уларга биринчи навбатда шифокорлар ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, биз ҳар йили профилактик текширувлар ўтказиб турамиз. Масалан, кўкрак қафасида жойлашган юрак, ўпка ва қон-томирларининг иш фаолиятини, ҳолатини доимо текширтириб туриш лозим, буларнинг фотокопиясини олишда эса флюорография кенг қўлланилади.

Флюорография —бу, рентген нурлари ёрдамида ички органларни фотосуратга олиш усулидир. Инсон саломатлигига ҳеч қандай зиён етказмайди. Баъзи кишилар рентген нурларидан чўчишади. Тўғри, флюорография ҳақиқатан рентген нури ёрдамида ўтказилади, лекин у оддий рентген нуридан анча камайтирилган, яъни саломатликка ҳеч зарар қилмайдиган нур орқали олинади.

Ўтказиладиган оммавий флюорография, айниқса, ўпка силининг бошланғич, яъни кичи ҳали ўзида ҳеч бир касал аломатини сезмагандаги даврини ҳам топиб бера олади. Бемор касаллик аломатларини, яъни ҳарорат, йўтал, терлаш, тинка қуриш кабиларни сезиб, шифокорларга мурожаат қилганда, ўпкадаги жароҳат анча ривожланган бўлади. Чунки сил касаллиги кишн билмас, яширин пайдо бўлади.

Рак ҳам шундай касалликдан ҳисобланади. Бу касалликларнинг бошланғич даврини фақат флюорография билиб беради.

Оммавий флюорографиядан текширув ўтказиш аҳолининг 12 ва ундан юқори ёшдагиларида ҳар йили бир марта бўлиши шарт. Кўпинча, бу текширувдан уй бекалари, пенсионерлар, инвалидлар ва қариялар четда қолиб кетишади. Ҳурматли бу ота-оналар: «Биз қаридик, ўпка сили ёшлар касали», деб хотиржам юришади. Афсуски, бу чуқур янглишишдир. Чунки ўпка сили ёш-қарини танламайди. Кейинги йилларда текширув натижаси ўпка сили ўрта ва кекса ёшдаги кишиларда кўп учрашини кўрсатмоқда. Яъни ўпка сили дарди «қарияпти» деса бўлади.

Айрим муассасаларда ишлайдиган ишчи ва хизматчилар кўпинча бундай текширувдан четда қоладилар. Шунинг учун ҳам оммавий равишда ҳаммани флюорография текширувидан маҳаллаларда ўтказиш планлаштирилади.

Ҳар ҳолда уйига яқин жойда флюорография автобуси турса, текширувдан ўтишдан ҳеч ким бош тортмаса керак. Ўтган йилларн шундай текширувни «Бешқайрағоч» массивидаги ва 9-поликлиника атрофидаги аҳолининг 82 процентида ўтказилди, натижада, одамларда ўпка сили, рак ва юрак касаллари аниқланди ва даволана бошланди.

Яқин кунларда оммавий рентгенофлюорография текшируви шаҳримизнинг Марказ — 13, 14, 15 кварталларида ўтказилади. Бундай масъулиятли ишга поликлиникалар, сил касалга ва рак касалига қарши диспансерлар, район соғлиқни сақлаш бўлимлари, ЖЭК ва маҳаллий бошқармалар катта тайёргарлик кўраётирлар. Ҳар бир текширувдан ўтадиган кишига флюорография паспорти беш йиллик муддатга берилади, уни беш йил сақлаб, ҳар йили текширувдан ўтиб туриши лозим.

Оммавий флюорографиянинг муваффақиятли ўтиши — аҳолининг ўзига боғлиқ. Ҳамма ўз виждони билан бу ишда шифокорларга ёрдам бериши керак.

Қ. МАТЖОНОВ,
Сил касалликларига қарши 3-диспансернинг бош врачи.

Пойтахтимиздаги «Союзпечать» киоскаларида қардош социалистик мамлакатларда нашр қилинаётган газета-журналлар тез-тез сотилиб турадн. Чехословакиянинг «Руде право», Германия Демократик Республикасининг «Нойес Дойчланд», «Эйленшпигем», Руминиянинг «Скинтейя», Болгариянинг «Работническо дело» ва Польшанинг «Жиче Варшава» газета-журналлари шулар жумласидандир. Жами «Союзпечать» киоскаларида 20 мамлакатнинг газета-журналлари сотилади.

СУРАТДА: «Союзпечать»нинг катта инструкторларидан Равиль Аюпов билан Қобил Муҳамедов ўртоқлар. Бу ишчан ходимлар газета-журналларнинг ўз вақтида газетхонларга етказиб берилишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

● Омонат кассалар ишининг кўриги давом этаяпти

Ҳамшаҳарлар олқишига сазовор

Кўпчилик тошкентликлар омонат кассалар ходимларининг қиладиган ишлари билан танишдирлар. Омонат кассалар ходимлари шаҳарликларга сақлаш учун пул қабул қилишдан тортиб, то ҳар хил счетларга пул тўлашгача бўлган турли хил ишларни бажарадилар. Тошкентликлар кайфиятининг қандай бўлиши ҳам кўп жиҳатдан ана шу ташкилот ходимларининг хизматига боғлиқдир.

Омонат сақлаш ишини бундан буён янада яхшилаш ҳамда кассалар томонидан планнинг бажарилиши ва ошириб бажарилишида ёрдам кўрсатиш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, энг яхши омонат кассаларнинг илғор иш тажрибаларини кенг ёйиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳамда касаба союзлари область Совети шаҳардаги ҳар бир район бўйича алоҳида равишда омонат кассалар ишларининг умумий кўригини ўтказишга қарор қилдилар. Кўрик 1973 йил июль ойида бошланди, унга 1 октябрда якун ясалади.

Кўрикнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади шаҳар омонат кассалари фаолиятини тубдан яхшилашдан, омонат кассалар тармоқларини ҳамда уларнинг иш режаларини такомиллаштириш, шаҳарликларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳоли маблағини омонатга қабул қилиш юзасидан белгиланган планни бажариш ва ошириб бажаришдан иборатдир.

Район Советлари ижроия комитетлари ҳузурида кўрикни ўтказиш комиссиялари тузилди. Бу жамоатчилик кўригида касаба союзлар область комитетлари ҳам фаол қатнашишлари керак. Кадрлар билан иш олиб бориш, уларнинг иш тажрибаларини ошириш яхшиланади. Омонат касса ходимлари ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Меҳнат коллективлари ўртасида пропаганда ишларини кенг йўлга қўйиш, омонат иши, унинг давлат ҳамда омонат қўйувчи учун аҳамияти тўғрисида лекциялар, доклад ва суҳбатлар, шунингдек савол-жавоб кечалари уюштириш зарур. Энг яхши омонат касса ходимлари рағбатлантирилади.

Биринчи ўринни олган коллективга шаҳарнинг «Энг яхши омонат касса»си номи, гувоҳномаси ҳамда қимматбаҳо совға берилади. Шунингдек, омонат кассалар ишини ривожлантиришда аҳоли маблағини омонатга қабул қилиш планини район ва шаҳардаги омонат кассаларнинг ўртача кўрсаткичидан ошириб бажарган ҳамда кўрик тўғрисидаги низомнинг ҳамма талабларини бажарган кассалар ҳам «Энг яхши омонат касса» номини олиш учун номзод бўла олади. 2-ва 3-ўринни олган икки коллектив шаҳар ижроия комитети ҳамда касаба союзлари область Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланади ва уларга дам олиш уйларига тўртта путевка берилади. Учинчи ўринни олган олган учта коллективга эсдалик вимпеллари топширилади.

Сирдарё ГРЭСига

Бугун

Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг 100 студенти тўққизинчи беш йилликнинг зарбдор объектларидан бири— Сирдарё ГРЭСи қурилишига жўнаб кетишди. Студентлар ўз меҳнат семестрларини ана шу зарбдор объектда ўтказадилар.

Институт студентлари ҳар йили зарбдор объектларда намуна кўрсатиб ишлашади. Уларни Тошкент қурилишларида ҳам, Мирзачўлда ҳам учратишингиз мумкин.

Институтнинг 400 студенти қурилиш отрядларида меҳнат қилишмоқда.

Тошкентдаги 6-тез медицина ёрдами кўрсатиш станциясининг коллективи шаҳар аҳолисига намунали хизмат кўрсатаяпти. Бу ерда хизмат қилаётган 35 врач, фельдшер ва ҳамширалар ўз касбини пухта эгаллаган медицина ходимларидир.

СУРАТДА: ишчан медицина ходимларидан Е. Матвеева, Ю. Мелиев ва Л. Орлова ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

● Ғиёсиддин Жазоирий

ОШҚОВОҚНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Мени форсча «каду», арабча «қарғ» дейдилар. Менинг катта-кичик шаклда хилма-хил навларим бор. Улардан энг мудими «кадуи мусмоний» ва «кадуии ҳалвоний» деб аталиб, овқат ва дори сифатида фойдаланилади. Бир туримдан чекиш учун қалён тайёрланиб, апельсинга ўхшаган бир хилимдан эса, зийнат учун гул чекишиб фойдаланганлар.

Мен қоринда йиғилиб қолувчи бодларни ҳайдаб, мулойим қиламан, сийдик ҳайдайман ва буйрак ҳамда сийдик йўлида ўрнаб қолган тошларнинг йўқолишида ҳам ҳиссам бўлиб, семиришга қарши фойдалиман. Қанд касалида, қон таркибида ёғ моддаларининг кўпайишида, сарф ва балғам кўпайиш касалликларига қарши курашда мўъжизавор кучим бор.

Қанд касалига учраган ва қонда ёғ моддаси кўпайган кишилар сувимдан олиб, унга бироз лимон сувидан қуйиб, ҳар куни бир стакан миқдорида ичишлари керак. Менинг «гўштим» кучли овқат бўлиш қудратига эга бўлгани учун, озиш учун ҳаракат қилаётган кишиларга тавсия қилинг.

«Ҳалвоий» турим ширин бўлишига қарамасдан, қанд касалига мубтало бўлган кишиларга зарар қилмайди. Кишини ҳаддан ортиқ семиртириб юбормайди. Озғин кишилар эса, бироз семириши мумкин. Барча турим совуқлик бўлиб, таб ҳамда чанқовни босади. Агар «ҳалвоий» туримни иккига бўлиб, бир томонини бошга кийиб турилса, бош оғриғини ва бош айланишини даф қилади.

Мен сариқ касалига қарши яхши давоман, ҳароратни пасайтираман ва жигар фаолиятини кучайтираман.

Мен тез ҳазм бўламан. Агар мени гўшт ва гуручли овқатларга қўшиб пиширилса, уларнинг тез ҳазм бўлишига кўмаклашаман.

Мени пиширилмаган пайтда ҳидлаш ёки сувимни қулоқ ва бурунга томизиш бош оғриғига, менингитга, уйқусизликка ва алжирашга қарши фойдалидир. «Гўшт»имни яхшилаб эзиб, бошга боғланса, бош оғриғини йўқотади ва яллиғланишига қарши яхши таъсир кўрсатади. Хом танамдан сиқиб олинган сувга бироз лимон сувидан аралаштириб, ғарғара қилинса, томоқ оғриғи ва тиш оғриғи таскин топади. Кулоққа томизилса, қулоқ оғриғига қарши фойдалидир. Пўстим билан бирга қайнатилган сувимдан олиб, ғарғара қилиш ҳам тиш оғриғига асар қилмай қолмайди.

Агар эндигина ҳамакланган, ҳамак учидан эса, гули тушиш-га ҳам улгурмаган ошқовоғимни хамирга олиб, уйга яқин қўйиб, қиздириб, сўнгра сувидан кўзга томизилса, кўз оғриғини даф қилади. Ҳинд хурмоси ва шакар билан пишириб ейилса, ҳароратни пасайтиради, иситмани йўқотади, васваса ва телбаликка барҳам беради, меъда ярасини тузатади ва жигарга яхши овқат бўлади. Арпа унидан хамир қилиниб, мош солинган овқатим нафас йўлини мулойимлаштиради, йўталга фойда қилади. Эрон халқи, хусусан, қашқоний ва бахтиёрий эли орасида хомимдан олинган сувдан совитиш, эски иситмаларни йўқотиш, бадандаги ортиқча ҳароратни сўндириш учун фойдаланиб келинади ва иситма билан оғриган кўпгина беморларни шу усул билан даволайдилар.

Шайхур— раис Абу Али ибн Сино мени уйқусизлик ва баъзи ҳароратли касалларни даволаш учун тавсия этган. У плеврит тўғрисида ёзаркан: «Ошқовоқ ҳар томонлама фойдалидир. Бироқ, у, сийдик ҳайдовчи бўлгани учун плеврит касаллигида фойдаланмагани маъқул» дейди.

Қуритилган пўстимни ейиш бавосил, меъдадан қон оқишга, нафас йўли касалликларига қарши фойдалидир, туйиб яра ва кесиб олинган жойларга сепилса, қон оқишини тўхтатади. Қайси хилим бўлишидан қатъий назар, иссиқ мижозли кишилар учун, сафро қонида нуқсон бўлган одамлар учун бари бир фойда келаверади.

Агар ошқовоқнинг бошини олиб, ичига темир зангидан солиб, яна ўша қирқиб олинган бўлаги билан бекитилиб, сўнг қирқ кун офтоб тиғига қўйилса, ошқовоқ ичида ранг пайдо бўлади ва ундан сочга суркалса қорайтиради.

ОШҚОВОҚ УРУҒИ

Менинг уруғим одам қорнидаги майда қуртларни ўлдирувчи энг яхши дори ҳисобланади. Бу хосият мағзимни ўраб турган нозик пардалардадир. Қуртларга қарши ишлатиладиган дорилар ичида ошқовоқ уруғи энг зарарсизи бўлиб, заҳарлик хусусияти йўқ. Ишлатилгандан кейин ҳеч қандай ёмон таъсирот қолдирмайди. Бунда 25 граммдан то 50 граммгача истеъмол қилинади. Энг яхшиси мағизларни туйиб, асалга аралаштириб ейиш керак. Тўрт ёки бош соат ўтгандан кейин ични сурадиган кучли, чунончи, канакунжут ёғига ўхшаган сургидан ичиш керак. Шундай қилинганда қорин қуртлардан батамом тозаланади.

Менинг уруғим озғин кишиларни семиртиради, сийна иллатларни, қон туфлашни, йўтални, кучли иситмани, меъда ярасини, буйрак касалини ва сийдикнинг куйдириб чиқишини йўқотади.

Уруғим ёғи димоғ қуришини, уйқусизликни, сил ва ич кетишини ва меъданинг сафро таъсирида оғришини қолдиришда тенгсиздир.

Маҳмуд ҲАСАНОВ
тайёрлаган.

КАШАНДАЛИК—КОНИ ЗАРАР

Тамаки чекишга кўпчилик, айниқса, ёшлар одатланиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Унинг зарарини тушунган онгли киши папиросни сира оғзига олмайди. Ота-оналар ёш ўсмирларнинг чекишга одатланмасликларига алоҳида диққат қилишлари лозим. Катталарнинг ўзи ёшлар олдида тамаки чекиши кечирилмас бир ҳолдир.

Маълумки, ўсмирлар орасида чекишга ружу қўйиш 12-17 ёшлар орасида бўлади. Бу ёшдагиларнинг кўпчилиги чекишга аста-секин ўргана бошлайди. Демак, асосий диққат-эътиборни юқори синф ўқувчиларига қаратиш, улар организмининг тамаки таркибидаги никотин, аммиак, синель кислотаси ва ис газлари билан заҳарланишдан сақлаш лозим. Ёш организм тамакидан заҳарланиб гипоксия-оксиген етишмайдиган касалликка дучор бўлади. Бунда унинг организмида кислород етишмайди, салга харсиллайди, мия қон томирлари торайиб, қон айланиш системалари бузилади. Бундай ўқувчиларнинг хотираси пасаяди, дарсларни яхши ўзлаштира олмайди, дангаса, ўжар бўлиб, боши оғрийди ва унинг ёш, соғлом юрагига путур етади.

Тамаки тутунининг яна бир хавфли томони бор. У ўсмирларнинг касалликка қарши курашиш кучини пасайтириб, организмни заифлаштириб қўяди. Оқибатда, кўзга кўринмас майда микроблар ўпкага ўтади, сўнг ўпка сили ва ўпка раки касалликлари келиб чиқади.

Мактаб ва интернат ўқувчилари биров сезиб қолмасин деб, сигаретни шошиб-пишиб чекишади. Бунда организмга никотин кислотаси икки баравар кўп ўрнашади. Шунингдек, сигаретни охиригача чекиш ҳам жуда зарарли. Чунки сигарет охирида кўп заҳар тўпланган бўлади.

Ана шулар натижасида ёш организм заҳарланади ва киши эрта қарийди, саломатлигини йўқотади.

Т. ТОШБЕКОВ,
Республика санитария-маорифи уйининг бош врачи, медицина фанлари кандидати.

Жаҳон ойнаси

УМУММИЛЛИЙ ПРОБЛЕМА

ВАШИНГТОН. Сенатор Г. Уильямс соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министрлигининг маълумотларига асосланиб айтган гапида Америкада беш мингдан кўпроқ шаҳар ва посёлкаларнинг аҳолиси ўзларининг эҳтиёжларига оз-моз бўлса ҳам мос бўлиб тушарлик медицина ёрдамидан маҳрум, деди. У Чикаго, Филадельфия, Канзас-Сити ҳатто Вашингтон мана шундай шаҳарлар жумласига киради, деди.

Уильямс сенатда сўзлаган нутқида айтдики, медицина ёрдами олиш учун каттакатта маблағ сарфлашга ва узоқ-узоқ ерларга ёрдам талаб бўлиб боришга мажбур бўлаётган юзлаб ва минглаб америкаликлар нақадар фожиали аҳволда қолганлиги оддий статистикадан ҳам кўриниб турибди.

Медицина хизмати кўрсатишнинг нормал системаси йўқлиги,— деди сенатор,—АҚШда «умуммиллий миқёсдаги проблема» бўлиб қолди.

Ленин йўлидан

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КИЕВДА СЎЗЛАГАН НУТҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА АЙТИЛГАН ФИКРЛАР

Жаҳон жамоатчилиги, чет эл матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг 26 ва 27 июлда Киевда сўзлаган нутқларига катта сиёсий аҳамият бермоқда, бу нутқлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсат масалаларига доир муҳим ҳужжатлар эканлигини таъкидламоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг матбуоти, бошқа давлатлардаги тараққийпарвар газеталар Л. И. Брежневнинг нутқларини батафсил баён қилиб ва шарҳлаб КПСС сафларининг бирлиги, партия билан халқнинг мустаҳкам узвий алоқаси Совет Иттифоқида коммунистик жамият қуришдан иборат жуда катта программани муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти эканлигини таъкидламоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқларида ташқи сиёсатга доир айтилган гаплар чет элларда зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Жумладан, Чехословакиядаги «Руде право» газетаси Украина ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш муносабати билан Л. И. Брежневнинг Киевдаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқига жуда катта қизиқиш уйғонганлигининг сабаби аввало шуки, бу нутқда ҳозирги халқаро вазият чуқур анализ қилиб берилди, унинг асосий белгилари ва тенденциялари яхши тавсифланди, деб ёзади.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи Л. И. Брежневнинг шу нутқини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: «Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирлари билан келишиб, изчил ташқи сиёсат ўтказаётганликлари халқаро муносабатлардаги ижобий ўзгаришларнинг асосий омилларидан бири бўлади. Социалистик давлатларнинг бир-бирлари билан келишиб ўтказаётган мана шу ташқи сиёсат йўли уларнинг жаҳон тараққиётининг боришига ўтказаётган таъсири тобора тўлиқ ва таъсирли бўлишига ёрдам бермоқда».

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўз нутқида уқтириб айтганидек, халқаро муносабатлардаги бурилишга СССР билан АҚШ, Франция ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар яхшиланганлиги кўп жиҳатдан сабаб бўлди, деб ёзади «Руде право» газетаси. — Шундай бўлиши мутлақо табиий эди, чунки улар ўртасидаги муносабатлар икки томонлама муносабатлар доирасидан чиқиб, бутун халқаро вазиятга таъсир ўтказмоқда. Бироқ маочилар ва бошқа реакцион кучлар айтаётган «ўта буюк давлатлар» деб аталган назарияга бу фактнинг ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу «назария» давлатлар ўртасидаги ишончга путур етказишга қаратилмоқда. Маълумки, халқаро иқлимнинг яхшиланиши ва соғломланиши учун давлатлар ўртасида шундай ишонч бўлиши мутлақо зарур шартдир. Аммо бу назарияни пучга чиқараётган воқелик фақат йирик мамлакатларгина эмас, балки катта-кичиклиги ва қувватидан қатъий назар, кескинликни юмшатишга ўз ҳиссасини қўшишни истаётган ҳамма давлатлар ҳам кескинликнинг мана шундай юмшатилишига таъсир ўтказаётганлигидан далолат бериб турибди».

Берлиндаги «Нойес Дойчланд» газетаси Украина ССР партия-хўжалик активларининг йиғилишида Л. И. Брежнев сўзлаган нутқини баён қилиб, КПСС Программасининг талаблари ва КПСС XXIV съездининг қарорлари муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлигини бу нутқ яққол кўрсатди, деб ёзмоқда.

Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши фақат бевосита шу мамлакатларнинг халқлари учунгина эмас, шу билан бирга тинчликка муштоқ бўлган, халқаро кескинликнинг юмшатилишидан манфаатдор бўлган ҳар бир мамлакат учун, ҳар бир халқ учун ҳам катта ижобий аҳамиятга эга, деган фикрни Югославиядаги «Борьба» ва «Политика» газеталари алоҳида уқтириб кўрсатмоқда.

Австриядаги «Фолькштимме» газетаси Киевдаги тантанали мажлисда Л. И. Брежнев сўзлаган нутқни «Чорак аср давом этган «совуқ уруш» даврини тобора кенг қарор топаётган тинч-тотув яшаш принциплари даври эгалламоқда» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Л. И. Брежневнинг 26 июлдаги нутқини баён қилиб, СССРнинг иқтисодий аҳволига «зўр умидворлик билан баҳо берилганлиги»ни алоҳида таъкидламоқда. Ғарбий Германиядаги «Генераль-анцайгер» газетаси ҳам нутқнинг мана шу қисмига кўпроқ эътибор бермоқда.

Ҳиндистон миллий конгресс партияси Умумҳиндистон комитетининг Бош секретари Пураби Мукержи хоним КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқларига юксак баҳо берди. У ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Л. И. Брежневнинг ўзаро ҳурматлаш, суверен ҳуқуқларга риоя қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва ички ишларга аралашмаслик асосида давлатлар тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишлари керак, деб қилган даъватини Ҳиндистон халқи қўллаб-қувватламоқда. Ҳиндистонликлар—тинчликсевар халқ. Шу сабабли биз Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги барча ташаббусларини қўллаб-қувватламоқдамиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўтказаётган тинчлик сиёсати жуда катта муваффақият қозонди. Л. И. Брежнев бу сиёсатни амалга оширишга шахсан катта ҳисса қўшмоқда. Шу сиёсат туфайли «совуқ уруш» даврига чек қўйилди. Халқаро муносабатларнинг ҳозирги даврини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принциплари тобора кенг қарор топаётган давр, деб таъкидлади. Бунга Ҳиндистон билан СССР ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстона муносабатлар мисол бўла олади».

(ТАСС).

Тинчлик, дўстлик, бирдамлик

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАР X ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИДА

БЕРЛИН. Фестиваль ўтказилаётган Берлин ёрқин ва сершовқин, қувноқ ва ғўзал. Шаҳарнинг марказий кўчалари ва майдонлари — Карл-Маркс-алле, Унтер ден Линден, Александрплац икки кундирки транспорт қатнамайдиган қилиб бекитиб қўйилди. Кўчалар ва майдонларнинг ҳаммаси фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар ихтиёрида. Тўппа-тўғри асфальт кўчанинг ўзида оркестрлар чалиб турибди, гоҳ унда, гоҳ бунда жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушаётганлар кўзга ташланади.

Фестивалнинг асосий марказларидан бирини —Халқаро бирдамлик марказини очиш маросими бўлди. Берлиннинг қоқ марказида машҳур телевизион минора олдида эрталаб соат 10 да фестивалнинг минг-минглаб қатнашчилари ва меҳмонлари, ёш берлинликлар тўпланишди. Халқаро бирдамлик маркази жаҳон фестивали кунларида ана шу ерга жойлашди.

Қуёш нури билан қопланган майдончадаги павильон олдида митинг бўлди. Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг президенти Роберто Виецци митингда тўпланганларни табриклаб, нутқ сўзлади. Вьетнам ёшларининг вакили сўзлаган нутқни тингловчилар қизғин кутиб олишди. У Вьетнам халқига бирдамлик изҳор қилинаётганлиги, Вьетнамга берилаётган ёрдам учун бутун дунёнинг тараққийпарвар демократик ёшларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. Фестивалдаги совет делегациясининг вакили совет халқининг интернационализми тўғрисида, унинг Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлиги ҳақида, КПСС ва Совет ҳукумати муттасил ўтказиб келаётган ленинчи миллий сиёсатнинг асослари ҳақида гапирди.

Халқаро марказ очиқ деб эълон қилинади. Турли халқларнинг, турли қитъаларнинг вакиллари, турли сиёсий маслакларнинг намояндалари мана шу марказ хоналарида суҳбатлар ўтказиб, ёшлар бирдамлигини мустаҳкамлашнинг энг зарур проблемаларини муҳокама қиладилар.

Турли тилларда нашр этилган сиёсий адабиётларнинг кўргазмалари олдида жуда кўп кишилар тўпланмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев мақолалари ва нутқларининг «Ленин йўлида» деган ном билан жуда чиройли қилиб нашр этилган тўплами ҳаммага, айниқса манзур бўлди. Кўк муқовали бу китобни оқ, сариқ, қора қўллар авайлаб олиб, варақлаб унинг саҳифаларини диққат билан кўздан кечирмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев йўллаган табрикноманинг ёқимли сўзлари фестиваль қатнашчиларини ғоят хушнуд қилди. Фестиваль комитети раҳбарларига бу табрикнома тантанали топширилган куннинг ўзидаёқ ёшлик байрамининг халқаро матбуот маркази уни олти тилда кўпайтириб тарқатди.

Берлиннинг кўпгина майдонларида Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари билан бирдамлик митинглари бўлиб ўтди.

Совет ёшлари делегациясининг Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Республикаси ёшларининг вакиллари билан учрашувлари ғоят самимий ва дўстона руҳда, жанговар интернационаллик руҳида ўтди.

Ўзининг X фестивалига тўпланган жаҳон ёшлари кечқурун Берлиннинг қоқ марказидаги Лустгартен майдонида Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари ва ёшлари билан бирдамлик митинги ўтказдилар.

Митинг қатнашчилари «Тинчлик, Дўстлик, Бирдамлик!» деган сўзларни жаҳоннинг ўнлаб тилларида қайта-қайта такрорлар эканлар, бу сўзлар содиқлик қасамёди бўлиб узоқ-узоқларга ёйиларди.

Б. КРАЕВСКИЙ, А. ГРИГОРЬЕВ.
И. ДОБРОТИНА, Н. СТЯЖКИН.
ТАСС мухбирлари.

Камбоджадаги аҳвол

ПАРИЖ. Камбоджа озодлик кучлари пойтахт яқинида актив уруш ҳаракатлари олиб бормоқдалар. Пномпендан олинган хебарларда айтилишича, Пномпень қўшинларининг қисмлари ватанпарварларнинг тазйиқи остида пойтахтдан 25 километр жануби-ғарбда жойлашган муҳим Санг пунктини қолдириб кетишга мажбур бўлдилар. Озодлик кучлари Пномпендан 12 километр чамаси ғарбдаги Самронг районида ҳам душман позицияларига ҳужум қилдилар ва Почентонг ҳарбий базасидан 4 километр нарида турибдилар. Пномпендан шимолроқда жойлашган 6-тош йўл районида ва бошқа участкаларда қаттиқ жанглар давом этмоқда.

Америка авиацияси, шу жумладан «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлар ватанпарварларнинг Пномпенга қилаётган ҳужумини тўхтатишга уриниб, ватанпарвар кучларнинг Камбоджа пойтахти теварагидаги позицияларига кўплаб бомба ташламоқдалар ва ёпирилиб ҳужум қилмоқдалар.



СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳама шаҳри яқинида, Нахр-ал Аси дарёсида улкан чархпалаклар-нориял а р турибди. Бирорта ҳам мих қоқилмаган бу иншоотлар сув оқими билан ҳаракатга келтирилади. Диаметри 10—12 метр бўлган ўртача нория 25 гектар ерни суғориш имконини беради. У секундига 45 литр сув чиқариб беради.

СУРАТДА: нориалар. В. Огородников фотоси. (ТАСС).

Анатоль ПОТЕМКОВСКИЙ (ПОЛЬША).

Ўзимизнинг одамлар

(ҲАЖВИЯ)

Телефон жиринглади. Мен трубкани кўтардим.

— Бу сизмисиз? — сўради нотаниш овоз.

— Мен.

— «Ҳаммамиз — ўзимизнинг одамлар» номли пьесанинг авторимисиз?

— Шундай, — жавоб бердим ажабланиб.

— Табриклайман! — қичқирди у. — Мўъжизакор, ажойиб асар! Онт ичаман, бебаҳо асар.

—Ахир сиз менинг пьесамни қаердан биласиз, янглишаётганга ўхшайсиз. Менинг пьесам ҳали қўлёзма ҳолида турибдику! Бунинг устига атиги бир нусха.

— Баракалла! Жуда соз! — деди нотаниш овоз қувониб, — ўша қўлёзма менинг қўлимда. Мен уни «Кокос» ресторани ёнидаги ахлат қутисидан топиб олдим. Қандайдир каллаварам уни ўқимаёқ ташлаб кетибди.

Мен муздек бўлиб кетдим, аъзойи баданимни совуқ тер босди. Бироқ ўзимни қўлга олдим.

— Сиз билан қаерда учрашишимиз мумкин? — сўрадим титраётган қўлларим билан валидол одарканман. — Сизни қандай хурсанд қилишни ҳам билмай турибман.

Бир неча дақиқа трубкадан ҳеч қандай садо келмади. Сўнгра нотаниш овоз деди:

— Сизга қаер қулай бўлса, марҳамат. Беш минг олиб келасиз.

— Қанақа беш минг? — тушунмадим мен.

— Қанақа бўларди, оддий пулдан беш минг сўм олиб келасизу, пьесангизни олиб кетаверасиз.

Кутилмаган бу ҳолдан довдираб қолдим.

— Шу арзимаган пьеса учун беш минг? Ҳазиллашяпсизми?

— Пьеса жуда гўзал, ажойиб, — деди у фикримга қўшилмай.

— Биринчи парда ҳали ҳеч қаерда қўйилмади, иккинчи парда ҳеч кимга керак эмас, учинчи парда ҳақида эса гапирмасаям бўлади. Шунинг учун икки минг сўм бераман.

— Сиз янглишяпсиз. Иккинчи пардада кулгидан одамнинг ичаклари узилиб кетгудай бўлади. Вокзал саҳнаси эса ҳақиқий нодир асар. Тўрт ярим минг сўм берақолинг.

— Икки минг, — дедим мен. — Икки мингдан бир тийин ҳам ошмайман. Вокзал саҳнаси умўман ҳаётий чиқмаган, қаҳрамонлар типик эмас. Пьесадагига ўхшаган одамларни қаерда кўргансиз?

— Ҳамма жойда. Персонажлар чинакам ҳаётий тасвирланган.

— Фақат сизга шундай кўрингандир-да.

— Кекса томошабиннинг фикри билан ҳам ҳисоблашиш керак-да, — деди у ишонч билан. — Учинчи пардада шундай ҳаяжонли кўриниш борки, йиғлаб юборишимга сал қолди. Композициясининг пухталигини айтмайсизми! Йўқ, менинг сўнгги сўзим тўрт минг дедиммн, тўрт минг, вассалом.

—Ҳожатхона фаррошининг ҳазили эсингиздами? — сўрадим мен. — Ахир, булар ниқоатда хунук ва бачкана қилиқлар-ку!

— Менга жуда ёқади.

— Бўпти, икки ярим минг сўм бераман.

— Лоақал уч ярим минг денг. Кассир образи қандай қимматли-я.

— Бунақа кассирлар пьесадан-пьесага кўчиб юради, — эътироз билдирдим. — Майли, уч минг бўла қолсин.

— Бўпти, — рози бўлди нотаниш овоз.

Мен трубкани секингина жойига қўйдим. Пьеса унга унчалик ёқмаган шекилли. Аҳмоқ!

М. Ҳазратқулов таржимаси.

ФОТООБЪЕКТИВДА — ОНА-ВАТАН

МОСКВА. Пойтахтнинг Рязанский проспектида жойлашган «Тошкент» кинотеатри ҳар доим томошабинлар билан гавжум бўлади. Бу ерда тез-тез ўзбек кинофильмлари намойиш қилиниб турилади.

СУРАТДА: (юқорида) «Тошкент» кинотеатри.

Ж. Раззоқов фотоси.

* * *

Грузия ССРнинг Чиатур шаҳрини маргане шаҳри деб аташади. Бу ердан чиқадиган табиий бойликлар фақат мамлакатимиз металлургия корхоналарини таъминлаб қолмай, балки чет давлатларга ҳам экспорт қилинади.

СУРАТДА: Дмитров номидаги руда бошқармасининг очиқ карьери. Бу ерда ҳар куни минг тоннадан ортиқ марганец ишлаб чиқарилмоқда.

А. Мичавариани ва Рухадзе фотоси. (ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1|VIII да Алишер Навоий, 2|VIII да Самандар, 3|VIII да Парвона.

Кино

1 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳарбий йўл ворислари (19.30, 20.45, 22.30). — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Гроссмейстер — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кечқурун).

Дача — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кечқурун), «КЎКЧА» (17.00, 19.00, 21.00).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (17.20, 20.30).

Анжелика ва қирол (2 серия) — ҲАМЗА номли (кечқурун).

Қилиманжаро қорлари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

Гайдук Ангел саргузаштн (2 серия) — КИРОВ номли.

Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳарбий йўл ворислари—«ҲИВА».

2 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳарбий йўл ворислари (10.30, 15.00, 19.30, 20.45, 22.30), **Гайдук Ангел саргузашти** (12.00, 16.30); «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Гроссмейстер — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (жуфт соатларда, кундуз ва кечқуруи).

Дача — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия)— «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи), НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.20,20.30).

Анжелика ва қирол (2 серия) — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқуруи).

Тақиқланган ўйинлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Қилиманжаро қорлари— «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

Гайдук Ангел саргузаштн (2 серия) — КИРОВ номли.

Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Самовий саргузаштлар — «ҲИВА».

Телевизор

1 АВГУСТ

Чоршанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Ўқувчилар учун. «Юлдузча». Телевизион журнал (Ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 «Ўзбек совет адабиёти саҳифаларида», Ўзбекистон халқ шоири Уйғун. **Узбек тилида:** 20.20 Ўн минут музика. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Дала ишлари кундалиги. 21.05 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финал. 00.05 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.30 «Москва ва москваликлар». 19.00 П. Чайковский. «Фантазия». 19.30 1973 йилда СССР Давлат мукофотига номзодлар. «Архитектура». 20.00 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.00 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! «Пўлат изларда», 22.30 «Нариги томондагилар тингланг», Бадиий фильм.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. **Узбек тилида:** 19.10 Ҳужжатли фильмлар экрани. 19.40 Бахт ва меҳнат қўшиқлари. **Рус тилида:** 20.00 «Магнитка директори». Ҳужжатли фильм. 20.40 «Еритади, аммо иситмайди». Телевизион спектакль. 1-қисм.

2 АВГУСТ

Пайшанба

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 13.45 «Инсон ва меҳнат». Телевизион очерк. Челябинскдан олиб кўрсатилади. 14.45 Ўқувчилар учун. Е. Перьмик. «Олтин хакка». Телевизион спектакль. 15.50 Ворошиловград области ватанга рапорт беради. 16.40 Кўрсатувлар программаси. 16.45 Янгиликлар. 16.55 Болалар учун. «Тиканли қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 5-серияси. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.35 «Кувноқ пионер ёзи». 19.05 Чолғу куйларидан концерт. 19.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус тилида). 20.00 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! «Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили». Самарқандан олиб кўрсатилади. 20.30 Шеърият мухлисларига. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Алишер Навоий». Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли олиб кўрсатилади. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Алишер Навоий» спектаклининг давоми.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 11.00 Цирк программаси. 11.40 «Ўғилбола гап». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 18.30 И. Гайди. Виолончель ва оркестр учун концерт. 19.00 «Қизил меҳмонхона». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! «Меҳнат вахтасида». (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Д. Шостакович асарларидан концерт. 23.45 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. **Узбек тилида:** 19.10 «Доктор Абстиниг тажрибалари». Бадиий фильм. 20.35 Реклама ва эълонлар. 20.45 Тошкент оперетта театри. 21.15 «Еритади, аммо иситмайди», Телевизион спектакль. 2-қисм.

Радио

1 АВГУСТ

Чоршанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Касаба союзлари ва социалистик мусобақа». Бухоро область касаба союзлари советининг секретари Г. Попова суҳбати. (рус-ча). 18.40 Спорт шиттириши. 20.00 Москва. «Юность» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзударда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.40 Москва. 22.28 Кўйлардан кўйларга. 22.40 Шеърият кечаси (ўзбекча). 23.10 Куйлар тинглаб дам оламиз. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбекистон санъат усталари концерти. 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Сут соғувчи Исоқова издошлари». 20.00 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (тожикча). 20.10 Далада ишлаётганлар учун концерт. 20.30 Композитор Ш. Рамазонов асарлари. 21.00 Н. Тарасенкова. «Ҳавойи ульфатлар». Ҳикоя (ўзбекча). 21.40 Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 19.00 СССР Большой театрининг солисти В. Атлантов куйлайди.

1 АВГУСТ

Чоршанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Касаба союзлари ва социалистик мусобақа». Бухоро область касаба союзлари советининг секретари Г. Попова суҳбати. (рус-ча). 18.40 Спорт шиттириши. 20.00 Москва. «Юность» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзударда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.40 Москва. 22.28 Кўйлардан кўйларга. 22.40 Шеърият кечаси (ўзбекча). 23.10 Куйлар тинглаб дам оламиз. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбекистон санъат усталари концерти. 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Сут соғувчи Исоқова издошлари». 20.00 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (тожикча). 20.10 Далада ишлаётганлар учун концерт. 20.30 Композитор Ш. Рамазонов асарлари. 21.00 Н. Тарасенкова. «Ҳавойи ульфатлар». Ҳикоя (ўзбекча). 21.40 Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 19.00 СССР Большой театрининг солисти В. Атлантов куйлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

121-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1973—1974 ўқув йилига

ЙИГИТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди: самолётларни йиғувчи слесарлар, электромонтажчи ва радиомонтажчилар, парчинловчилар, самолёт деталларини ремонт қилувчи слесарлар, авиадвигателларни ремонт қилувчи слесарлар, агрегатларни ремонт қилувчи слесарлар.

Ўқиш муддати — бир ва икки йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ёши 16 ва ундан катта бўлган, 8-10 синф ҳажмида маълумотли ва Тошкент шаҳрида яшовчи йигитлар қабул қилинади.

Билим юртидаги ўқиш муддати меҳнат стажига киритилади.

Билим юртини тугатганлар Тошкент шаҳридаги авиаремонт заводига ишга юборилади. Завод ишчиларига отпуска даврида самолетларга имтиёзли билетлар берилади.

Ўқувчиларга 18-30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти, тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, турар жойидан, соғлиги тўғрисида справкалар, 3х4 см ҳажмида 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **эрталаб соат 8 дан кеч соат 5 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Аэропорт авиашаҳарчаси (25, 31, 66-автобусларнинг «Авиашаҳарча» бекати, 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ДОСААФ ташкилотларида

Шаҳар ДОСААФ комитети ҳузурида ташкил этилган ўқ отиш спорти бўйича Тошкент болалар-ўсмирлар спорт-техника мактаби номига Москвадан қувончли хушхабар келди. Спортчилар тайёрлашда яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини яхши йўлга қўйганлиги учун мактабга Бутуниттифоқ кўригида иккинчи ўрин берилди.

* * *

Ўплаб йигит-қизлар Самарқанддаги «Серп и молот» консерва заводининг ДОСААФ бошланғич ташкилоти ҳузурида ташкил этилган парашют спорти секциясининг аъзолари бўлишди. Бу — корхонада спортнинг ҳарбий-техника турлари бўйича очилган бешинчи секциядир. Заводда автомобилчилар, мотоциклчилар, радистлар, пневматик қуроллдан ўқ отиш секцияларн ишлаб турибди.

* * *

Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ўқ отиш бўйича очилди. Бўлим ҳамюртларнинг Улуғ Ватан урушида асосий жанглардан бири — Курск ёнида олиб борилган жанглардаги иштироки тўғрисида ҳикоя қилади. Қизил изтопарлар фронтда олинган фотосуратларнинг қирқиб олинган парчаларини тўпланди. (ЎзТАГ).

* * *

Чуст район жанговар шуҳрат музейида янги бўлим очилди. Бўлим ҳамюртларнинг Улуғ Ватан урушида асосий жанглардан бири — Курск ёнида олиб борилган жанглардаги иштироки тўғрисида ҳикоя қилади. Қизил изтопарлар фронтда олинган фотосуратларнинг қирқиб олинган парчаларини тўпланди. (ЎзТАГ).

СИМПОЗИУМ ТУГАДИ

Москвада «Аэронавтика-73» деб аталган Совет — Америка симпозиуми ўз ишини тамомлади. Бу симпозиумни СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитети билан Америкининг аэронавтика-астронавтика институти ташкил қилган эди.

Ҳар икки мамлакат граждан авиациясининг мутахассислари беш кун давомида ҳаво ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини ривожлантириш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

Симпозиумда элликдан ортиқ доклад ўқилди.

Симпозиум ишлаб турган чоғда совет мутахассислари АҚШ фирмалари тайёрлаган энг янги авиация ускуналари билан танишдилар. Америкининг 27 компанияси шу кунларда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган техника кўргазмасига ўз маҳсулотини тақдим этди. Бу ерда авиация двигателларининг модели, алоқа йўлдоши, оғир транспорт самолётининг модели, парвозларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган асбоблар намойиш қилинди.

Совет ва Америка мутахассислари и и н г граждан авиацияси соҳасидаги учрашуви СССР билан АҚШ ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда қўйилган яна бир қадам бўлди.

(ТАСС мухбири).

БУ ЕРДА ВЛАДИМИР КОРОЛЕНКО ЯШАГАН

ЖИТОМИР. (ТАСС мухбири). Бу ерда атоқли рус ёзувчиси В. Г. Короленконинг адабий-меморнал музейи ва унга ҳайкал тантанали вазиятда очилди.

Бўлғуси демократ ёзувчи бундан 120 йил муқаддам туғилиб, ёшлик йилларини ўтказган уй ўша йилларда қандай бўлса шундай ҳолга келтирилди. Экспозиция ижодкорлари В. Г. Короленко ҳаёт чоғидаги унинг барча нашрларини, у таҳрир қилган «Русское богатство» журналининг комплектларини тўплашга муваффақ бўлганлар.

В. Г. Короленконинг ҳайкали очилган 6-мактаб янги биноси олдида кўпдан-кўп киши иштирокида митинг бўлиб ўтди.

ФРАНЦИЯ. Шаҳардаги кўпгина шофёрлар кутилмаганда рўй берадиган бахтсиз ҳодисалардан доимо қўрқиб юришади. Баъзилар эса ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, томошабинлар олдида машина билан ҳар хил ўйинлар кўрсатиб катта пул ишлашади. Яқинда Куаньер районида машина билан сакраш мастерлари тўпланишиб, ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди.

СУРАТДА: машғулот пайтида рўй берган бахтсиз ҳодисалардан бирини кўриб турибсиз. Лекин, бу гал машина шофёри ўз ҳаётини омон сақлаб қололди.

Кейстон — ТАСС фотоси.

Иккинчи эшелонда

СССР футбол федерацияси мамлакат биринчилиги учун биринчи лига командалари ўртасида бўлиб ўтган охирги тур ўйинларининг натижалари қуйидагича бўлганлигини маълум қилади:

«Спартак» (Оржоникидзе) — «Торпедо» (Кутаиси) — 1:0, «Металлург» (Запорожье) — «Спартак» (Нальчик) — 2:0, «Металлург» (Липецк) — «Черноморец» (Одесса) — 1:3, «Локомотив» (Москва) — «Нистру» (Кишинев) — 1:2, «Текстильщик» (Иваново) — «Спартак» (Иванo-Франковск) —2:2, 11 метрли жарима тўплари бўйича 5:4, «Шинник» (Ярославль) — «Металлист» (Харьков) — 2:0, «Крилья Советов» (Куйбишев) — «Нефтчи» (Боку) — 0:0, 11 метрли бўйича 5:4, «Звезда» (Пермь) — «Строитель» (Ашхобод) — 2:3, «Шахтер» (Қарағанда) — «Олга» (Фрунзе) — 0:0, 11 метрли бўйича 3:2, «Кузбасс» (Кемерово) — «Помнр» (Душанбе) —1:0.

(ТАСС).

Ҳар икки кишидан бири — физкультурачи

Андижон мой-ёғ комбинатида ҳар икки меҳнатчидан қарийб бири физкультурачи, ҳар тўрт кишидан бири ГТО янги комплекси нормативларини топширишга тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг ихтиёрида катта спорт базаси бор. Озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзининг республика комитети коллективда физкультурани ривожлантиришда корхона маъмурияти ва касаба союз комитети катта иш қилаётганлигини таъкидлаб, касаба союз ташкилотларидан андижонликлардан ибрат олишни тавсия этди.

(ЎзТАГ).

ДАМ ОЛИШ УЧУН СССРГА КЕЛИШДИ

НАҲОДКА. (ТАСС мухбири). Майдазуру шаҳридаги япон ўқувчиларининг бир гуруппаси Узоқ Шарқдаги биродарлашган Находка шаҳрига келди. Улар Узоқ Шарқдаги энг яхши лагерлардан бири бўлган «Факел» пионер лагерида яшайдилар. Япон мактаб ўқувчилари совет пионерлари билан учрашадилар. Биргаликда дўстлик кечалари, спорт мусобақалари, гулхан ёнида суҳбатлар ўтказадилар.

Тажриба алмашдилар

ПАХТАОБОД. (Андижон области). (ЎзТАГ). Андижон области идеология ходимларининг Пахтаобод районида бўлиб ўтган семинар-кенгашида механизаторларни ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг баъзи бир масалалари жумладан, атеистик пропаганда муҳокама қилинди. Семинар-кенгаш қатнашчилари «Москва» колхозида лекторий иши билан, «Гулистон» колхозида оммавий-сиёсий иш кабинети билан, «Коммунизм» ва «Коммуна» колхозларида турмуш маданияти халқ университетларининг иши билан танишдилар.

„ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАН" ЛАР

● *Ичкиликбоз ва безориларга шафқат йўқ!*

Суд зали одамлар билан лиқ тўла эди. Бу ерга жабрдийда қўни-қўшнилар ҳам, безориларнинг қариндош-уруғлари ҳам, «қўй оғзидан чўп олмаган» ювош йигитларнинг жамоатчи ҳимоячилари ҳам келишган эди.

Бир неча жилдни ташкил қилган бу жиноий ишни қисқа изоҳлаб берамиз. Воқеа бундай бўлган эди.

Шу йил 1 апрель куни Тоҳир Баганов ўз ўртоқлари Геннадий Демиткин, Сандкарим Эшонхўжаев, Абдурашид Усмонов, Валерий Гребенников билан бирга «Галаба» богида спиртли ичимлик ичиб, кайфу сафо қилишди. Улфатлар қилдан қиёқ чиқаришиб, катта гавго кўтаришди.

Тоҳир Багановнинг имосига биноан С. Эшонхўжаев қўшниси А. Курамшинни уйидан чақириб келди. Кўнглида сақлаб юрган «гина»ларни тўкиб солмоқчи бўлган Тоҳир индамай-netмай ёнидан пичоқ чиқариб Алижоннинг қорнига уч марта урди. Алижон оғир ярадор бўлди. Бу ҳам етмагандек, Тоҳирнинг шериклари Геннадий, Сандкарим, Абдурашид, Валерийлар жанжалнинг илҳомчиси Тоҳирга ёрдам беришди, улар ҳам биргалашиб бегуноҳ яраланган Алижонни ёёқ остига олиб тепдилар.

Дод-войни эшитган жабрланувчининг акаси Алижон ҳодиса содир бўлган жойга етиб келиб, укасини «ҳимоя» қилмоқчи бўлганида, «азаматлар» унга ҳам пичоқ уришди ва калтаклашди...

Бундай мудҳиш, қабиҳ ёвузликни одамгарчилик қиёфасини йўқотган ашаддий жиноятчиларгина қилиши мумкин.

Ажабо! Тошкент Политехника институти химия-технология факультетининг 1-курс студенти, комсомол аъзоси Тоҳир Баганов шундай мудҳиш жиноятнинг содир бўлишида ташкилотчилик қилганига ишонгинг келмайди.

Ахир, унинг ота-онаси, у ўқиётган «Марказ —13»даги қўни-қўшнилари, у ўқиётган институтдаги ўртоқлари Тоҳирнинг қинғир йўлдан кетаётганлигини кўришмаган бўлса? Кўришган, билишган, лекин лоқайдлик билан бепарво муносабатда бўлишган... Тоҳирнинг дастлабки кичик безориликлари жазосиз қолаверган. Кичик яра каттага айланган. Оқибатда Тоҳир бир куни мана шундай мудҳиш жиноятни содир қилди. У совет студенти, комсомол аъзоси деган номга доғ туширди...

Экскаватор заводининг сверловкачиси Геннадий Демиткинни айтмайсизми! Эс-ҳушини йиғиб олган 25 ёшар бу йигит мудҳиш жиноятга ҳомийлик қилган. Кишини ранжитадиган жойи шундаки, Озиқ-овқат министрлигига қарашли автоколонна шофёри С. Эшонхўжаев, Алоқа институтида лаборатория мудири, комсомол аъзоси, олий маълумотли А. Усмоновлар ҳам бу жиноятнинг содир бўлишида қатнашишган.

Айниқса, экскаватор заводи ишчи ва хизматчилари коллективи номидан Геннадий Демиткинни оқловчилар сифатида ҳимоя қилишга келган жамоатчи кишилар кишини таажжублантирадилар.

Геннадийнинг айби суд материаллари, экспертиза хулосаси, гувоҳларнинг кўргазмалари асосида тўла исботланиб турганн ҳолда, баъзилар томонидан уни «беозор, одобли, иш жойида намунали», деб ҳимоя қилиниши кишини ўйлантириб қўяди.

Халқимизнинг қилмиш-қидирмиш деган нақли бор. Одамийлик қиёфасини йўқотган бу безорилар ўз қилмишларига яраша жазо олдилар. Жиноятнинг ташкилотчиси Т. Баганов жазоси кучайтирилган режимдаги меҳнат-ахлоқ колонияларида «дам олиб келиш учун» олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Г. Демиткин — 4 йил, С. Эшонхўжаев — 3 йил, А. Усмонов билан В. Грибенников ҳар бири 2 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Октябрь район халқ судининг судьяси Ўртоқ Т. Хонхўжаев раислигида чиқарилган бундай адолатли ҳукмни залдагилар мамнуният билан кутиб олишди.

А. ИСМОИЛОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

4-бет Тошкент оқшоми

1 АВГУСТ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ.

ИНДЕКС 64579. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—04297. Нашр В—2541.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.